Тошкент ҳақиқати

№ 162 (10.411).

1992 йил 24 ноябрь сешанба

Баҳоси 3 сўм.

1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН НАШР ЭТИЛМОҚДА.

Вилоят ижтимоий–сиёсий газетаси

СЕШАНБА, ПАЙШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ («ЎЗҚУРИЛИШМАТЕРИАЛЛАРИ») КОНЦЕРНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Республика Халқ хўжалиги ва аҳолисининг қурилиш материаллари ва буюмларига бўлган эҳтиёжини таъминлашни яхшилаш, тармоқ бирлашмалари ва корхоналарнинг, таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари ва бошқа ташкилотларининг хўжалик мустақиллигини кенгайтириш, бинокорлик материаллари саноатининг бозор муносабатларига ўтиши учун шарт-шароит яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Бинокорлик материаллари саноати вазирлиги тугатилсин.

Тармоқ бирлашмалари, корхоналари, таъмирлаш-қурилиш, илмий тадқиқот ва лойиҳа ташкилотлари, бошқа корхоналар меҳнат жамоаларининг Ўзбекистон Давлат қурилиш материаллари ишлаб чиқариш («Ўзқурилишматериаллари») концернини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, «Ўзқурилишматериаллари» Давлат концерни:

давлат, ижара, жамоа ҳамда мулкчиликнинг бошқа шаклларига асосланган саноат бирлашмалари ва корхоналарини, таъмирлаш-қурилиш, транспорт ташкилотларини ва бошқа ташкилотларни бирлаштирувчи юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган хўжалик уюшмасидир;

ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ва концернинг Вазирлар маҳкамаси тасдиқлаган Низоми асосида амалга оширади;

ўз таркибига кирувчи бирлашмалар, корхоналар, ташкилотларнинг давлат мулкини бошқаради, уларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришда белгиланган тартибда иштирок этади.

3. Қуйидагилар «Ўзқурилишматериаллари» Давлат концерни фаолиятининг асосий вазифалари қилиб белгилансин:

концерн таркибига кирувчи бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, давлат идораларида ва бошқа идораларда уларнинг манфаатларини ифодалаш;

қурилиш материаллари бозоридаги вазиятни ўрганиш, ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва кўрсатиладиган хизматлар таркибини такомиллаштириш, корхоналарни оқилона ихтисослаштириш ва уларни кооперациялаш;

тармоқни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг узоқ муддатли истиқболларини, тармоқ илмий-техника дастурларини ишлаб чиқиш, инвестициялар соҳасида ягона стратегияни рўёбга чиқариш;

корхоналарда хўжалик юритишнинг янги шакллари ва усулларини жорий этишга доир тадбирларни амалга ошириш, ҳорижий шериклар билан ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш;

ягона илмий-техника сиёсатини ўтказиш, техника, технология ва материалларнинг янги илғор турларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга ишлаб чиқариш имкониятини жамлаш.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида Ўзбекистон Давлат қурилиш материаллари ишлаб чиқариш («Ўзқурилишматериаллари») концерни фаолиятини ташкил этиш масалаларига оид қарорни қабул қилсин, тузилиши ва низомини тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,
1992 йил 21 ноябрь.

РАСМИЙ ТАШРИФ БОШЛАНДИ

24 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Эрон Ислом жумҳуриятига уч кунлик расмий ташрифи бошланди. Ушбу тарихий ташриф арафасида мамлакат раҳбарининг ИРНА ахборот маҳкамаси мухбири билан суҳбати нуфузли «Жумҳурияйи Исломи» рўзномасида эълон қилинди. Эронни Ўрта Шарқда ва Осиё қитъасидаги энг нуфузли давлатлардан бири, деб таърифлаган давлат бошлиғи суҳбатда «Ўзбекистон билан Эрон ўртасида ҳамкорлик ва ҳамфикрликнинг вужудга келиши Теҳроннинг Туркистондаги ёш давлатларга гўёки ўз таъсирини зўрлаб сингдиришидан чўчиётганларнинг попугини бироз пасайтириб қўяди», деб айтди.

Ташриф чоғида, деб алоҳида таъкидлади давлат раҳбари, Эрон Ислом жумҳурияти раҳбарияти билан музокара олиб бориш ва бир неча шартнома, битимлар имзолаш кўзда тутилмоқда. Эрон томони Ўзбекистон таклиф этаётган ҳужжатлар мажмуини қўллаб-қувватлагудек бўлса, икки томонлама алоқалар, айниқса, иқтисодий ҳамкорлик янги босқичга кўчади, деди Ислом Каримов. «Ўзбекистон бу ташрифдан кўп нарсани кутмоқда, зеро, ўзбек халқи жуда қадим замонлардан бери Эрон халқи билан алоқа қилиб келди, халқимизнинг Эронга нисбатан эътибори ва муҳаббати даврлар синовидан ўтгандир», деди Президент суҳбат охирида.

(ЎзА).

• 92-ЙИЛ ҲОСИЛИ •



ТЕЗКОР ПАХТА ШТАБИ

33·40·48
33·48·08
33·50·18
33·05·22

• Режани бажарганларни қутлаймиз! •

ҚОЛГАН ҲОСИЛНИ ҲАМ ТЕЗРОҚ ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛАЙЛИК

● БУКА районининг **азамат деҳқонлари маррага яқинлашиб қолдилар. Ҳар бир хўжалик бу марранинг тезроқ эгалланишига ўзининг салмоқли улушини қўшмоқда.**

● Бундан уч кун бурун райондаги ЖАМБУЛ номли жамоа хўжалиги пахтакорларининг режани бажарганликлари ҳақидаги хушхабарни олган эдик.

Куни кеча район пахта штабига телефон қилганимизда яна икки хўжалик меҳнаткашларининг ғалабаси ҳақида маълумот беришди.

● Улардан бири «ЎЗБЕКИСТОН» жамоа хўжалигидир. Бу ерда 1250 гектар майдонда пахта етиштирилди. Қўл теримида бутун қишлоқ аҳли фаол қатнашди. Далаларда 32 та терим машинаси узлуксиз ишлади. Шундай қилиб, режадаги 3015 тонна пахта йиғиб-териб олиниб, айни кунларда режага қўшимча пахта топшириш юзасидан берилган ваъдани бажариш учун ҳам қизғин кураш бораётир.

● «ДЎСТЛИК» хўжалиги деҳқонлари ҳам мавсумни муваффақиятли якунламоқдалар. Бу хўжаликда салкам 900 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирилди. Ҳосилни йиғиб-териб олишда машиналар хизматидан омилкорлик билан фойдаланилди. Ҳар бир жамоа режасини уддалаш учун ўзаро мусобақалашиб ишлади. Натижа қувончли бўлди. Ҳар гектаридан 27 центнердан ҳосил йиғиб олинди ва давлатга 2320 тоннадан ортиқ пахта топширилиб, режа барвақт адо этилди.

● Райондаги бошқа қолган хўжаликлар ҳам режаларини бажариш учун ва вилоят хирмонига муносиб ҳисса қўшиш учун йиғим-теримни қизғин давом эттирмоқдалар.

ВИЛОЯТ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ҲАҚИДА 23 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — машинада бир кунда терилган пахта, бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

Бўка	0,30	99,25	—	90,22
Оққўрғон	0,33	98,83	0,07	82,08
Бекобод	0,40	97,21	—	69,50
Ўртачирчиқ	0,70	95,56	0,17	71,99
Чиноз	0,51	93,56	0,55	96,27
Юқоричирчиқ	0,44	91,02	0,05	84,88
Қуйичирчиқ	0,27	89,27	—	82,74
Пискент	0,43	87,35	0,02	43,98
Янгийўл	0,45	86,63	0,10	56,10
Вилоят бўйича	0,42	94,13	0,08	75,73

ҲОКИМЛАР ҲИСОБОТ БЕРМОҚДАЛАР

Вилоятимизнинг барча шаҳар ва районларида халқ депутатлари Кенгашларининг сессиялари бўлиб ўтмоқда

БАРҚАРОРЛИК ГАРОВИ

ХАЛҚ депутатлари Ангрен шаҳар кенгашининг Ангрен ҳокими **С. Ю. Юсупалиев** қилинган ишлар тўғрисидаги ҳисоботини тинглаган сессияси шаҳарнинг ҳозирги кундаги муҳим муаммоларини ҳал қилиш ва келажак вазифалари тўғрисида қайғуриш билан суғорилган катта суҳбатни эслатди. Сессия ишида корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари қатнашганлиги учун ҳам унинг кўлами янада кенгайди.

Маърузада, сўзга чиққан нотиқлар сўзларида шу нарса таъкидландики, ҳокимлик томонидан кўрилган чора-тадбирлар ишлаб чиқаришдаги таназзулни бир мунча енгиллаштирди, маданий-маиший тармоқ, тиббий муассасалар, мактаблар, умуман халқ хўжалигининг барча тузилмалари ишини анча яхшилаш имконини берди.

Лекин, шунга қарамай, муаммолар ҳали ҳам жуда кўплигича қолмоқда. Табиийки, уларнинг аксарияти республика халқ хўжалиги бутун мажмуига хос бўлган асосли сабаблар оқибатида юзага келди. Олдинги хўжалик алоқаларининг узилиши кўпчилик саноат корхоналари иши маромига салбий таъсир қилди. Ҳисобот докладида келтирилган рақамлар ҳам шундан далолат беради. Биргина «Ўзбекрезинатехника» бирлашмаси каби йирик ишлаб чиқаришда маҳсулот ҳажмининг камайиши 50 фоизни ташкил этди. «Цементчи» ва сут заводларида ишлаб чиқаришнинг қисқариши 40 фоизга етди. Шу йилнинг ўтган 10 ойида 800 миллион сўмликдан кўпроқ халқ истеъмоли маҳсулотлари кам тайёрланди. Умуман, шаҳардаги 26 саноат корхонасининг 20 таси тайёрланаётган маҳсулот ҳажмини камайтирди. Сессияда ташвишланиб қайд қилинганидек, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг камайиши, ишлаб чиқариш суръатларининг сусайишига олиб келган сабабларнинг яна бири кўрилган барча чоралар бу жараённи тўхатишни таъминламаётганлигидадир.

Капитал қурилиш тармоғида амалга оширилган қурилиш-монтаж ишлари ҳажми 500 миллион сўмликдан ҳам ошиб кетди. Маблағ билан таъминлашнинг барча манбаълари ҳисобига шу йилнинг ўтган 10 ойида 21,6 минг квадрат метр саҳнли уй-жойлар, «Наврўз» қўрғонида 1296 ўқувчига мўлжалланган мактаб, болалар боғчаси фойдаланишга топширилди. Болалар боғчаларининг майдони 1453,8 квадрат метрга кенгайди. Нуробод энергетиклар қўрғонида тўрт қаватли уй-жой биноси, қатор коттежлар фойдаланишга топширилди. 16 та автобус бекатларини ободонлаштириш, 8 та чойхона, қатор магазинлар, новвойхона қуриш бошлаб юборилди. Деҳқон бозори қайта қурилмоқда. Шаҳарни ободонлаштиришда унинг чекка даҳаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Халқ таълими, уни ривожлантириш муаммоларини ҳал қилиш доим ҳокимлик назоратида бўлмоқда. Янги Жигаристон қишлоғида мактаб ва болалар боғчаси қурилиши учун, Катаган қўрғонида мактаб қурилиши учун 56,4 миллион сўм ажратилди.

Бироқ, шаҳарда уй-жой қурилиши талаб даражасидан жуда орқада қолмоқда. Бу «Ўзбекшахтастрой» трестининг бошқарувчиси **Э. В. Калустян**нинг нутқида ҳам қайд қилинди.

Шаҳар Кенгашининг сессиясида иқтисоднётни такомиллаштириш учун аввало ишбилармонлик, ташаббускорликни ҳар томонлама рағбатлантириш лозимлиги алоҳида таъкидланди. Биринчи навбатда бошқа МДҲ мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларни қайта тиклаш, бунинг учун тўғридан-тўғри шартномалар тузишдан фойдаланиш лозим. Бундай ҳамкорлик яхши самара бераётганлигини кўрсатувчи мисоллар ҳозирнинг ўзидаёқ бор.

Шу билан бирга шаҳардаги корхоналар имкониятларидан тўла фойдаланиш масаласи билан муттасил шуғулланиши лозим. Чунки, бу корхоналарнинг айримлари ҳатто чет эл бозорида ҳам бемалол рақобат қилувчи маҳсулотлар тайёрламоқда. Ҳокимлик хориж билан ҳамкорлик қилиш имкониятларини ўрганмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ Туркия, Испания билан қўшма корхоналар ташкил этиш тўғрисида шартномалар тузилди. Шундай корхоналар барпо этиш бўйича Ҳиндистон, Саудия Арабистони, Эрон, Қувайт, Хитой билан ҳамкорлик қилиш лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда. Биргаликдаги фаолият натижасида ишлаб топилган валютани янги технологиялар, асбоб-ускуналар, халқ истеъмоли моллари харид қилиш учун фойдаланиш назарда тутилмоқда.

Ангрен шаҳри ҳокимлиги олдида турган энг асосий вазифаларнинг бири шаҳар аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдир. Шу мақсадда бошқа шаҳарлар ва республикалар билан битимлар тузиш ва алоқалар ўрнатиш, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ишини қайта ташкил этишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Сессияда шаҳар аҳолисига турли хил хизмат кўрсатаётган ташкилотлар иши муфассал таҳлил қилинди, уни яхшилаш билан боғлиқ бўлган таклиф-мулоҳазалар ўртага ташланди. Шунингдек, халқ таълими, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш муаммолари ҳамда уларни ҳал қилиш йўллари ҳақида тўхталди. Сессия қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Республикада тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолишга қаратилган фаолиятини тўла қўллаб-қувватладилар. Музокараларда қатнашган ижара керамика комбинати директори, республика халқ депутати **А. Алиқулов**, 21-мактаб директори, шаҳар Кенгаши депутати **Р. Маричук**, шаҳар уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси **Ф. Каримов**, Ангрен кўмир разрези директори **Ю. Антипин**, вилоят муаллимлар институти декани, шаҳар кенгаши депутати **У. Абдиев**лар ҳозирги вақтда республикамизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган сиёсатни қўллаб-қувватладилар, шаҳар иқтисодиёти, маданиятини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган муҳим фикр-мулоҳазаларни ўртоқлашдилар.

Сессия ишида Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги фан ва техника давлат комитетининг раиси **Н. Юсупбеков**, Тошкент вилоят ҳокимининг ўринбосари **А. Раҳимбоев**лар иштирок этдилар.

(Ҳисоботлар давомини 2-бетда ўқийсиз).

• Ҳашар—элга ярашар

Отахонлар ҳам ҳисса қўшишди

ЭРТАНГИ кун ҳавоси қандай бўлади, буни олдиндан айтиш қийин. Қолаверса, кузнинг энг сўнгги дақиқалари ўтиб бормоқда. Далада эса ҳали ҳосил бор. Бу вазиятни дилдан ҳис қилган — илғари бирлари сувчи, бирлари чопиқчи, яна бирлари аравакаш ва механизатор бўлиб ишлаган— ўз вақтида жамоага катта наф келтириб, кўп йиллик меҳнатлари сингган уруш ва меҳнат фахрийлари маслаҳатлашиб, кенгашиб далага чиқишга аҳд қилгандилар.

Биз ҳиммат кўрсатиб, йиғим-теримда қатнашаётган ёшларга ўрнак бўлсак, нимаси ёмон, деб мулоҳаза қилишди улар.

Бироқ раис «Отахонлар, сизлар вақтида қойилмақом қилиб меҳнат қилиб кўйгансизлар, энди дам олиб, юраверинглар», — деб айтди. Хўжалик ҳам аллақачон режани бажариб кўйган эди.

Лекин, бу жавоб отахонларга хуш келмади.

— Йўқ дема, ўғлим, — деб айтишди улар, — баҳонада далага чиқиб, ёзилиб ҳам келамиз.

Раис мийғида кулиб кўйди. Отахонлар биттадан этакни белга боғлаб, жамоа хўжалигининг Абдурашид Қосимов бошлиқ бригадасига йўл олдилар. Гапнинг очғи, номигагина қимирлаб, ёлчитиб пахта термаётган айрим ёшлар ҳам ўша куни орлари келиб, ишга киришиб кетишганди ўшанда.

Ҳисоблаб чиқишса, ўша куни 15 нафар отахон 203 килограмм пахта териб хирмонга топширибди.

Қишлоқ кичкинагина жой. Гап узоқ ётмайди. Хўжалик фахрийларининг бу ташаббуси тез тарқалди. Шу жамоанинг бошқа қишлоқлардаги отахон ва онахонлари ҳам далага чиқишди.

Пискент районидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигида меҳнат қилаётган уруш ва меҳнат фахрийлари ғайратига, шижоатига ҳамма қойил қолди.

Ушбу сурат ўша пайтда олинган.

И. ТОШЕВ.

ЮРТГА КЕЛГАН ТЎЙ

● ВИЛОЯТИМИЗДА пахта тайёрлашнинг боришида кузатар экансан, беихтиёр далаларда тер тўкиб меҳнат қилаётган пахтакорларга тасаннолар айтгинг келади. Анчайин оғир келган хўжалик йилида ҳам заҳмат чекиб кунлик суръатни ошириб боришнинг ўзи бўладими? Бироқ халқимиз пахтакорни ҳар қандай дамда ҳам ёлғизлатиб қўймаган. Хоҳ ишчи бўлсин, хоҳ ўқитувчи, хоҳ ишфокор доимо деҳқонга мадад беришга, белига қувват бахш этишга, кези келганда ёнма-ён туриб меҳнат қилишга доимо тайёр турган.

Бу йилги йиғим-теримнинг нақадар оғир кечаётганлигини вилоятимизнинг Халқ таълими муассасаларида хизмат қилаётган ходимлар ҳамма нарсадан ҳис қилиб турибдилар. Улар пешона тери эвазига етиштирилган ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмасдан териб олишда пахтакорларга ёрдамга ошиқмоқдалар.

Бу вилоятимизнинг турли жойларидан келаётган хабарларда ўз ифодасини топган.

— Ўзбекларда «Юртга келган тўй» деган кенг маъноли гап бор,— дейди Бекобод шаҳар халқ таълими бўлими йўриқчиси Валентина Акимова.— Шундай экан, тўйда хизмат қилмай бўладими? Бир боис йиғим-терим авжига чиққан бир пайтда халқ таълими ходимларидан тузилган ҳашарчилар гуруҳи райондаги «Бекобод» ва «Далварзин» давлат хўжаликлари далаларига отландилар. Уларнинг кунлик терган пахталари ҳар бир кишига ўртача 20—25 килограммдан тўғри келмоқда. Ўқувчиларнинг таътил кунларида далада меҳнат қилаётганлар сони 300 тага етди.

Шунингдек, АНГРЕНлик ўқитувчи ва тарбиячилар ҳам пахтакорларга яқиндан ёрдам бермоқдалар. Улар Бўка районидаги «Бўстон», Ҳамза номли, «Паркент» хўжаликларида пахта термоқдалар. Мавсум бошида уларнинг сони 300 кишини ташкил этган бўлса, таътил дамларида 800 га яқин ҳашарчи далаларда меҳнат қилдилар. Уларнинг умумий меҳнат қилишлари учун хўжаликлар барча шарт-шароитларни яратиб беришган. Ҳар бир килограмм қўлда терилган пахта учун 5 сўмгача ҳақ тўлаш мақсадида. Бу, ангренликларни янада унумли меҳнат қилишга ундайди.

● ҚИБРАЙ районининг халқ маорифчилари ҳам ҳозирги ҳар бир дақиқа ғанимат ҳисобланган дамларда пахтакорларга мадад бериш мақсадида ва уларга кўмаклашиш учун Пискент районидаги далаларига етиб келдилар. 910 дан ортиқ ҳашарчилар таътил кунларида пискентликларга яқиндан ёрдам бердилар. Шунингдек, райондаги Гофур Гулом номли 33-ўрта мактаб ўқитувчи ва ўқувчиларидан тузилган санъаткорлар дастаси ҳам пискентлик пахтакорлар ҳузурида бўлишди ва уларнинг маданий ҳордиқ чиқаришларига, меҳнат унумдорлигини оширишларига ёрдам бердилар.

● ҚАРИЯБ бир ойдирки, 150 дан ортиқ Тошкент районли халқ маорифчилари Оққўрғон районидаги «Озод» жамоа хўжалиги далаларида пахта термоқдалар. Таътил кунларида яна 150 кишидан иборат ҳашарчилар гуруҳи Х. Олимжон номли жамоа хўжалигига етиб келдилар.

— Мақсадимиз пахтакорга яқиндан ёрдам бериш,— дейди район халқ таълими бўлими услубиётчиси Абдуманнон Каримов.— Ходимларимизнинг кайфиятлари яхши, шиддатлари баланд. Улар кунлик суръатни оширишларига ишончимиз комил.

Х. ШАФОАТОВ.

ҲОКИМЛАР ҲИСОБОТ БЕРМОҚДАЛАР

Вилоятимизнинг барча шаҳар ва районларида халқ депутатлари Кенгашларининг сессиялари бўлиб ўтмоқда

ОММА МАНФААТЛАРИГА МОС

ҒОЯТДА ишчанлик, вазминлик, босиқлик, ўзаро кенг фикр алмашув, баҳслашув, танқидий мулоҳазалар асосида ўтган бу сессияда районда ўтган ҳисобот даврида қилинган ишлар атрофлича таҳлил этилди. Ҳокимият фаолиятига муносиб баҳо берилди ва қониқарли, деб топилди.

...Музокара охирида сўзга чиққан «Ўзбекистон» паррандачилик фабрикасининг директори **Зокир Хўжаев**нинг сўзлари кўпчиликнинг дилидаги гаплар эди.

— Районимизда ҳақиқатдан ҳам виждонли, ор-номусли, андишали, меҳр-оқибатли деҳқонлар меҳнат қилишади. Кейинги пайтда кадрларни танлаш ва жойжойига қўйиш соҳасида ҳам ижобий ишлар қилинди. Айни пайтда хўжаликларда, районда, ҳокимиятда раҳбарлик лавозимида асосан иқтидорли, узоқни ўйлайдиган, инсонларга фақат яхшиликни раво кўрадиган, қийин шароитларда уларга ҳамдард бўлиб, далда берадиган, руҳини кўтарадиган, бошини силайдиган кадрлар меҳнат қилишаяпти. Ютуқларнинг бош омили шундадир.

Дарҳақиқат, республикамиз мустақилликка эришган, бозор иқтисодига ўтилаётган ҳозирги шароитда, улар етти ўлчаб бир кесмоқдалар. Хўжаликларда меҳнатни ташкил этишнинг оила, ижара усуллари дадил жорий этилмоқда. Бу ўринда деҳқонга берилган имтиёзлар ҳам уларни астойдил ишлашга руҳлантираётир. Эндиликда сабзавотчилар режа бўйича етиштираётган маҳсулотларининг 50 фоизини, чорвадорлар эса 15 фоизини тасарруф қилмоқдалар.

...XXI чақириқ халқ депутатлари Зангиота район Кенгаши XI сессиясида кун тартибидаги биринчи масала бўйича район ҳокими **Ж. Ж. Маликов**нинг «Район ҳокимиятининг 1992 йилдаги фаолияти юзасидан ҳисоботи ва келгуси йилдаги амалга ошириш лозим бўлган вазифалар» тўғрисидаги маърузаси ва музокарада сўзга чиққан нотиқларнинг гапларида бу фикрлар қизил ип бўлиб ўтди.

Сабзавотчилар режадаги 54 минг ўрнига 54 минг 340 тонна сабзавот етказиб бердилар. Йил охиригача яна қўшимча 2 минг тонна сабзавот етказиб бериш мўлжалланмоқда. Пилла ва жун сотиш режаси 128 фоизга етказилди. Булардан ташқари ҳар бир хўжаликда бошоқли дон экилари экилиб, мўл ҳосил олинди. Бу ютуқларда «Ўзбекистон», «Наврўз», «Бўзсув», А. Икромов номли, «Иттифоқ», «Назарбек» жамоа хўжаликларининг ҳиссаси каттадир.

«Шарқ» деҳқончилик — саноат комбинатига қарашли давлат ва жамоа хўжаликлари ғўшт тайёрлаш йиллик режасини бажардилар. Мавжуд 50 дан ортиқ фермер хўжаликлари чорвачилик маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланмоқдалар.

Районда қурилиш, маданий-маиший, қишлоқларни ободонлаштириш, таълим-тарбия, тиббий ҳизмат халқ маорифини ривожлантириш соҳасида ҳам талайгина ишлар қилинди.

Маърузачи ва музокарада сўзга чиққан нотиқлар қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида эришилаётган ютуқлар билан бирга, йўл қўйилган камчиликлар ва ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳақида ҳам атрофлича фикр юритдилар.

Модомики, деб қайд қилинди, сессияда деҳқоннинг тириқчилиги, қут-баракаси, файзи ер билан экан, ҳар бир қарич ер эъзозда бўлиши керак. Ундан юқорида омилкорлик билан фойдаланиш зарур. Бозор муносабатлари шуни тақозо этади. Ишбилармон раҳбарлар бош бўлган, тадбиркор деҳқонлар меҳнат қилаётган хўжаликларда бу соҳада яхши натижаларга эришилмоқда. Ҳар гектар ердан 75-80 минг сўм соф фойда олинаётир. Айрим деҳқонлар эса 150 минг сўмгача даромад олмоқдалар. Лекин шундай хўжаликлар борки уларда ҳар гектаридан бор-йўғи 18-20 минг сўм даромад олинаётир. Уларга нима ҳалақит бераяпти? Ерлари, сувлари, имкониятлари бир хил-ку?

Фермер хўжаликлари иши умуман яхши, лекин айрим хўжаликларда фермерлар ерни олишга олиб, ундан ўзлари билганча фойдаланмоқдалар.

— Бизда сабзавот топшириш режаси 150 фоиз бажарилганлигининг боиси, — деди «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги раиси **Р. Каримов**, — ҳар бир деҳқон эркинлик, мустақиллик ҳуқуқидан фойдаланиб, тадбиркорлик билан ишламоқда. Қайси экин кўпроқ фойда келтирса шу экин экилмоқда. Айниқса эртаги ва кечки карамдан катта фойда кўрилди. Ўртача ҳосилдорлик 40 тонна дейлик. Бир килоси ўртача 4 сўмдан сотилди.

Ота-боболаримиз азал-азалдан деҳқончиликни ғалла экинлари ўрнида амалга оширишган. Ер танқис бўлиб қолган ҳозирги шароитда биз ҳам ана шу удумга амал қилмоқдамиз. Ўтган йили 100 гектар ерга ғалла экиб, юқори ҳосил олдик. Ўрнига деҳқончилик қилдик.

Сессияда қаерда қишлоқ Кенгашлари иши яхши йўлга қўйилган бўлса, ўша ерда хўжаликлар — эришаётган ютуқларда ҳам барака бўлади. Қишлоқ Кенгашлари ўз фаолиятларида маҳалла комитетларига, депутатларнинг фаолликларига суянган ҳолда иш олиб боришлари керак. Ана шундай иш юритган қишлоқ Кенгашлари ҳудудидан шикоятлар бўлмайди. Афсуски ҳамма қишлоқ Кенгашлари ҳам бу оддий ҳақиқатни ҳисобга олмайдилар, деб айтилди.

Сессияда сўзга чиққан «Ўзғариш» қишлоқ Кенгаши раиси **С. Айтубоев** ўзи раҳбарлик қилаётган бу кенгаш шаънига билдирилган танқидий мулоҳазаларни тан олиб айтдики, депутатларнинг нуфузини ошириш керак. Бунинг учун уларга бўлган талабчанликни кучайтириш лозим.

Сессияда қишлоқ аҳлини иқтимоий ҳимоя қилиш, қишга тайёргарлик масаласига ҳам алоҳида аҳамият берилди.

Шунингдек, сессияда район рўзномаси ва радиосини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш юзасидан зарур тадбирларни амалга ошириш қайд этилди.

Сессияда, шунингдек, бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сессия ишида Ўзбекистон давлат матбуот комитети раиси **Р. Шоғуломов** ва вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари **А. Ибобеков** ўртоқлар қатнашдилар.

Н. РИХСИЕВ,
О. АЛЬКО.

КЎП ИШ ҚИЛИНДИ, АММО

— РАЙОНДА ҳокимият ташкил этилганига атиги саккиз ой бўлишига қарамай, ўтган қисқа фурсат ичида меҳнаткашлар фаровонлигини яхшилаш ва қишлоқларнинг обод бўлиши хусусида анчагина ишларни қилишга улгурдик, — деди халқ депутатлари Оҳангарон район Кенгаши сессиясида ҳисобот берган раҳбар ҳокими **Соғломбек Балашов**. — Ўн олти километрдан кўпроқ қишлоқ йўллари асфальтланди, Ўзар, Нўғойқўрғон, «Ленинчи» аҳоли пунктлари газлаштирилди. Яқин кунларда райондаги Қорахтой, Унгут, Телов, Сусам қишлоқлари ҳам газлаштирилади. Қишлоқ кўчаларини асфальтлаштириш эса қисқа фурсат давомида 80 чақиримга етказилади. Қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминланишида ҳам ҳокимлик анча ишларни амалга оширди. Фақат Қорахтой қишлоғининг ўзида шу мақсадда ўнга яқин сув қудуқлари қазилиб, одамларнинг уйларига водопровод қувурлари ўтказилган ҳолда аҳоли тоза сувлар билан таъминланди. Бундай ибратли ишлар райондаги бошқа ўнларча қишлоқларда ҳам амалга оширилди. Ўтган ҳисобот даврида районда 1251 ўқувчи ўрнига мўлжалланган янги мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Келгуси йилнинг дастлабки ойларидан бошлаб Тут қишлоқ, Алишер, Ўзар аҳоли пунктларида янги мактаб қурилишлари бошлаб юборилади. Ҳозир дастлабки бинокорлик ишлари жадал суръатлар билан олиб борилаётган 38-ўрта мактаб биносининг қурилиши келгуси йилда ниҳоясига етказилади. Қорахтой, Телов қишлоқларида болалар боғчаларининг янги бинолари қад кўтаради.

Ўтган ўн йиллар давомида Оҳангаронда биронта ҳам саломатлик масканлари барпо этилмаган эди. Фақат шу йилнинг ўзида район марказий шифохонасининг янги биноси, Эйвалек қўрғонида янги типдаги замонавий шифохона қурилиши бошлаб юборилди. Кўчбулоқ аҳоли пунктида янги ҳаммом, Оҳангаронда янги масжид, «Оҳангарон» ижара хўжалиги марказида бир йўла минг тоннадан кўпроқ озиқ-овқат маҳсулотлари, шу жумладан ҳўл мева сақланадиган махсус совуқхона-омборхона қурилиши яқин фурсат ичида ниҳоясига етказилади. Аҳоли учун «Ўзбекистон», «Оҳангарон», «Ғаллақудуқ» хўжаликлари марказларида ўндан ортиқ турар-жой бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Айни пайтда Овжаз, Санам, Қорақалпоқ, Унгут қишлоқларида бунёд этилган янги савдо дўконлари бинолари меҳнаткашлар учун хизмат кўрсатаётганлиги жуда қувончлидир.

Оҳангаронликлар давлатга 57 минг тоннадан кўпроқ сабзавот маҳсулотлари, 4200 тонна ҳўл мева сотишга улгурдилар. Аҳолини ижтимоий ҳимоя этиш ва қиш пайтларида уларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида 8400 тонна сабзавот, 700 тонна картошка, 260 тонна полиз экинлари маҳсулотлари сақлашга қолдирилди. Ҳисобот даврида Собир Раҳимов номли, «Ўзбекистон» хўжаликларида кичик ёрдамчи цехлар: жумладан, узум шарбати тайёрловчи, жун рўмол тўқувчи, пишлоқ ва колбаса ишлаб чиқарувчи корхоналар ишга туширилди. Аҳолининг ижтимоий муҳофазасига 72 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди. Дала ишчиларининг ойлик маошлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,5 баробар кўпайди. Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, ногиронлари, меҳнат фахрийлари, кам таъминланган оилалар ва ёлғиз, боқувчисиз оилаларга кўрсатилган ёрдам миқдори сезиларли равишда ортди.

Яқин фурсатда районда иш бошлайдиган жунни қайта ишловчи Оҳангарон — Туркия қўшма корхонаси бу ердаги анчагина кишиларни янги иш ўринлари билан таъминлаш имконини беради.

Сўнгги пайтларда аҳолининг уй қуриши учун жуда кўп миқдорда ер берилса ҳам, улар ўзлари учун бошпана қуришга киришаолмаяптилар, — деди ҳисобот юзасидан биринчи бўлиб музокарани бошлаб берган Халқ Демократик партияси район Кенгашининг биринчи котиби **Э. Худойбердиев**. — Ўтган олти ой давомида райондаги савдо шаҳобчалари, шу жумладан тахта-ёғоч дўконига бирон куб на тахта, на ёғоч келтириб сотилмади, Оҳангаронга жойлашган, заминимиз тупроғидан бўлаётган ва биз ҳар куни шу корхонадан чиқаётган дуддар билан захарланаётган «Оҳангароншифер» заводи эса бир дона шиферининг нархини бугун 86 сўмга чиқариб юборди.

Музокарада сўзга чиққан Сусам қишлоқ шўросининг раиси, депутат **С. Йўлдошев** ҳам районда чайқовчиликнинг кун сайин болалаб кетаётганлиги, унинг билан рўбарў келадиган кучнинг ўзи йўқлиги, жамоат тартибини сақлашга сафарбар этилган орган вакиллари эса ўша чайқовчилар билан баъзан келишувчилик қилаётганини куюниб гапирди.

— Ҳокимнинг ҳисобот докладида таассуф билан тилга олинган Теловдаги 38-ўрта мактабнинг биноси қурилиши яқин 4 йилдан бери тамомланмаяпти. Бу ишни бошлаган Талъат Абильзятов бошчилигидаги 4-механизациялашган кўчма колонна бино қурилишини бинокорлик материалларининг нархи ҳали ошмасдан тамомлаши мумкин эди. Бироқ бу ташкилотдаги айрим ҳозирги ва собиқ раҳбарларнинг айби билан мактаб қурилиши йил сайин чўзилиб келяпти, — деди музокарага чиққан шу мактабнинг директори, депутат **Х. Содиқов**.

Музокарада қатнашган **Т. Абильзятов** эса турли баҳоналар билан қурилишни кечиктирилаётганлигини оқламоқчи бўлди.

Музокарада иштирок этган «Оҳангарон» ижара хўжалигининг бош мутахассиси **Қ. Хидиров**нинг нутқидан шу нарса маълум бўлдики, хўжаликда барпо этилаётган ободончилик ишларига аксари халқ депутатлари бошчилик қилишмоқда.

Шунингдек, район ҳокими ҳисоботи юзасидан бўлган музокарада Ўзбекистон Республикаси бинокорлик саноати вазири **И. Н. Искандаров** ҳам гапирди.

Сессия район ҳокимининг ҳисобот даврида фаолияти юзасидан қарор қабул қилди.

Сессия ишида вилоят ҳокимининг биринчи муовини **Л. П. Терновых** иштирок этди ва нутқ сўзлади.

М. ЖАЛИЛОВ,
М. ҚАЮМОВ.

ҲАМИША ОДАМЛАР ОРАСИДА

...РАЙОН ҳокими ҳисоботи бундан бир неча вақт муқаддам илгари бошланган дейиш мумкин эди. Чунки, халқ депутатлари район кенгаши сессиясида ҳисобот беришга тайёрланар экан, ҳоким жойлардаги жамоалар билан қатор учрашувлар ўтказди. Жумладан, Ғазалкент ойна заводи, маиший хизмат кўрсатиш ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўртачирчиқ ГЭС тизмалари, энергоқурилиш саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси, уй қурилиши механизациялашган колоннаси сингари ташкилот ва муассасаларда бўлган мулоқотлар қатор хулосалар чиқариб олишга кўмаклашди.

Мана, ниҳоят ҳисобот берадиган кун ҳам етиб келди. Ўтган шанба куни район депутатлари олдида район ҳокими **Қ. Йўлдошев** «Район ҳокимининг 1992 йилдаги фаолияти якунлари ҳамда 1993 йилги режалар тўғрисида» ҳисобот маърузаси қилди. Шунингдек, кенгашда 1991 йилги бюджет ижроси ва 1993 йилги маҳаллий бюджетнинг асосий йўналишлари ҳақидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

— Жорий йилимиз анча мураккаб бўлганлиги ўзингизга аён, — деди ҳоким маърузасини давом эттирар экан, — бозор иқтисодиётига ўтиш, унинг оқибатида нарх-навонинг кескин кўтарилиб кетганлиги, пулнинг қадрсизланиши, илгариги иқтисодий алоқаларнинг узилганлиги, энг муҳими, янгича шароитга ўтиб ишлашга етарли даражада тайёргарлик кўрилмаганлиги айрим корхона ва ташкилотларда иш маромининг бузилишига олиб келди. Лекин, бундай сабабларга қарамай, район саноати корхоналари сезиларли натижаларни қўлга киритдилар. Жорий йилнинг ўн ойи мобайнида 1 миллиард 937 миллион 698 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Унинг асосий қисмини халқ истеъмоли моллари ташкил этди. Эндиликда йиллик режани тўлиқ адо этиш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Очиқ айтиш керак, районимиздаги айрим саноат корхоналарида камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Жумладан, ишлаб чиқарилаётган 23 хил маҳсулотдан 19 таси бўйича ўсиш суръатлари ўтган йилдаги даражага етгани йўқ. Ғазалкент ойна заводи, консерва корхонаси, сут заводи, энергоқурилиш саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси сингари корхоналарда хатоликлар рўй берди. Тошга ишлов бериш комбинати фаолиятида ҳам сусткашликка йўл қўйилди. Бурчмулла «Олмос» заводида мушкул аҳвол юзага келди. Чунки, бу йил мазкур корхона Россиядан мўлжалдаги хом ашё етказиб берилмаганлиги туфайли 5—6 баробар кам маҳсулот ишлаб чиқарди. Эндиликда 1200 нафарга яқин малакали ишчиларнинг ишсиз қолиш хавфи туғилмоқда.

Ҳоким ҳисоботи давомида транспорт, алоқа, қурилиш муаммолари хусусида ҳам батафсил тўхталди. Ёқилғи материаллари нархининг кескин ошиб кетганлиги автобусларда пассажирлар оқимини сезиларли камайтирди. Районда алоқа хизматини яхшилаш борасида қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, Янгиовул, Сижжак қишлоқларида почта бўлимлари қурила бошланди. Чорвоқ қўрғонида, Қизилчорва ҳамда Чиноз қишлоқларини телефонлаштириш ниҳоясига етказилмоқда. Аммо, районнинг юқори, қатнаш қийин бўлган ҳудудларига хат-хабарлар, рўзномалар, нафақа ҳужжатлари ниҳоятда кечикиб етказиб берилмоқда.

— Қишлоқ хўжалиги районимизда асосий йўналиш ҳисобланади, — деди Қ. Йўлдошев, — баҳордаги табиат инжиқликларига қарамай, районимиз деҳқонлари ва соҳибкорлари сабзавот ҳамда мева бўйича баракали хирмон кўтардилар. Шу кунгача давлатга 62 минг тоннага яқин сабзавот топширилиб, бу соҳадаги режа ортиғи билан адо этилди. Пилла, ғалла, мева топшириш марралари муваффақиятли эгалланди. Жун топшириш, қўзи олиш режалари ҳам уддаланди. Дастлабки ҳосил-китобларга қараганда қорамол, қўй-эчки бош сонлари, бузоқ олиш режалари, ғўшт топшириш бўйича топшириқлар ҳам бажарилади. Лекин, сут режаси бизни ташвишга солмоқда. Йўл қўйилган хатоликларни бартараф этиш учун барча чоралар кўрилмоқда.

Шундан сўнг нотиқ савдо, маиший хизмат кўрсатиш, коммунал ҳамда ободонлаштириш, район ҳудудларини газ ҳамда ичимлик суви билан таъминлаш, электрлаштириш, тиббий хизмат, маориф соҳалари хусусида ҳам батафсил тўхталди.

— Ҳисобот даврида, — деди маърузачи ўз нутқини тамом қилар экан, — район ҳокими томонидан 318 та қарор, 210 та фармойиш имзоланди. Ҳокимлик тизимини ташкил этиш қарор ва фармойишлар тайёрлаш ва уларни амалга ошириш муддатларини қисқартирди. Район ҳокими билан халқ депутатлари қишлоқ, қўрғон, шаҳар кенгашлари ижроқўмлари ўртасидаги алоқалар юқори савияга кўтарилди, дейиш мумкин. Район ҳокими ва унинг ўринбосарлари, тегишли йўналиш раҳбарлари ҳар куни одамлар орасида бўлмоқда, ҳамма масалалар бевосита меҳнаткашлар билан бамаслаҳат ҳал этилмоқда.

Район ҳокими ҳисоботи қизғин муҳокама қилинди. Сўзга чиққан уруш ва меҳнат фахрийлари район кенгаши раиси **А. Раҳимбердиев**, район прокурори **А. Иномбобоев**, Абай номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси **П. Қурбонов**, Чорвоқ қўрғони кенгаши раиси ўринбосари **Т. Н. Балакирева**, «Олмос» заводи директори **Р. Зиёвуддинов**, «Бўстонлиқ овози» рўзномаси муҳаррири **Ф. Нурматов** ва бошқа ўртоқлар район ҳокимининг ўтган даврдаги фаолиятини қониқарли деб топиш юзасидан таклиф киритдилар.

Кенгаш сессиясида муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сессия ишида Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотлари республика уюшмаси раёсати раиси ўринбосари **Б. Д. Эргашев**, вилоят ҳокими ўринбосари **А. Абдувосиқов** иштирок этдилар.

Р. УМАРОВ,
Н. ЯКОВЕНКО.

ЯНГИЧА УСЛУБ САМАРА БЕРДИ

БЕЛГИЛАНГАН вақтда ҳокимликнинг мажлислар залига халқ депутатлари, қишлоқ шўролари раислари, хўжаликлар, районлардаги барча ташкилотлар, муассасалар раҳбарлари, маҳалла қўмиталари раислари тўпландилар. Йигирма биринчи чақириқ халқ депутатлари район кенгашининг ўн иккинчи сессияси ҳисобида ўтган бу кенгайтирилган анжуманда Тошкент район ҳокими **Р. Р. Акбаров**нинг маърузаси тингланди.

Биз дарҳол айтиб қўяқолайлик: жонли, мисолларга бой, таъсирчан нутқдан кейин музокарага чиққанларнинг ҳар бири Тошкент район ҳокимлигининг бир йиллик фаолиятини ядриллик билан қониқарли, деб топиш тўғрисида ўз таклифини киритди. Бу бежиз эмасди. Чиндан ҳам ўтган ойлар мобайнида районда аввало аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, халқ хўжалигини ривожлантириш, инсон қадр-қиймматини ошириш, миллатлараро дўстликни мустаҳкамлаш, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган анъаналарга кенг йўл очишга эътибор кучайтирилди. Бу борадаги режаларини ҳокимлик аҳоли кўз ўнгида унинг фаол иштирокида амалга ошириб бориб, кишиларда мамнунлик ва ишонч туйғуларига сазовор бўлди.

Ҳисобот даври мобайнида **ҳокимлик изчил ишланганлиги ва аҳоли билан ишлашнинг энг қулай, янгича дастурини амалда жорий этганлиги кўзга яққол ташланади.** Хўш, булар нималарда ўз ифодасини топди?

— Биз эскича буйруқбозлик, мажлисбозликдан воз кечдик, — деди ҳоким нутқи давомида, — фаолиятимиздан эса омма билан юзма-юз учрашиш, дилдан мулоқотда бўлишдек иш шакли ўрин олдики, у туфайли жойлардаги муаммолар ҳозиржавоблик билан ҳал этилмоқда.

Ҳокимлик раҳбарларининг район ҳудудидаги ҳар бир қишлоқ шўросига биргаликда бориб ўтказган учрашувларининг биринчи навбатида аҳолидан газ, сув, йўлларни асфальтлаш, электр тармоқлари билан боғлиқ масалаларга оид саволлар, арзлар мисоли дўлдек ёғилган бўлса, учрашувларнинг иккинчи навбатида раҳматлар, миннатдорчиликлар худди шу тарзда изҳор этилди. Чунки бундай мулоқотларда ҳокимлик вакили бўлсин, ёки савол, шикоят қаратилган район раҳбари бўлсин, аҳолига бу муаммони неча кун ичида, қай тартибда ҳал этилишини билдириш ва амалга ошириши қатъий қилиб қўйилди. Шахсан ҳоким ва унинг муовинлари ижрони назорат қилиб бордилар.

Сўзлари, илтимослари ерда қолмай, тез рўёбга чиққан меҳнаткашларда кайфият кўтарилди. Улар дала ва фермаларда унум билан ишлай бошладилар. Аҳолига 9200 тонна картошка, 62 минг тонна сабзавот етиштириб бердилар.

Тадбиркорлик билан иш юритаётган Муҳаммаджон Фозилов, Ғуломмаҳмуд Абдуллаев, «Ҳасанбой» жамоа хўжаликлари давлатга сут сотиш борасида қувончли натижаларга эришдилар. Ташкил этилган фермер хўжаликлари чорвачиликни ривожлантиришда ана шу усул қулай эканлигини кўрсатди ва районда бундай хўжаликлар кўпайиб бормоқда.

Ҳоким ҳисобот даври ичида районда ташкил этилган 178 та ширкат, кичик корхоналар ҳақида ҳам гапириб, улардан аҳолига нафи тегмаётганларининг фаолияти тўхтатиб қўйилганлигини ҳам маълум қилди.

Биз ҳокимнинг ҳисоботини эшитар эканмиз, унинг мазмунидан яна бир муҳим мавзуни илғаб олдик. Бу **бозор иқтисодиёти шароитида меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш, хусусан, ўта қийинчиликни бошдан кечираётган оилаларга амалий ёрдам кўрсатишда ўз ифодасини топди.** Улардан энг муҳимлари — кичик корхоналар меҳр-шафқат, мурувватига таянган ҳолда 140 дан зиёд оиладаги болалар учун суннат, 22 нафар келин-куёвнинг бахт кечалари — тўйлари ўтказилганлигидир. Шунга ўхшаш анъаналар районда ҳамон давом этмоқда.

Ҳокимлик фаолиятидаги учинчи кўзга ташланган йўналиш **миллатлараро дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш борасидаги саъи-ҳаракатлардир.** Бу ўринда Тошкент райони меҳнаткашларининг қўшни Қозоғистон республикасидаги Чимкент вилоятига қарашли Сариоғоч райони аҳли билан тўйҳашамлар, ишлаб чиқариш борасидаги ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади.

Сессияга йиғилганлар ҳокимликнинг районда осойишталикни сақлаш, қонунчиликка риоя этишни таъминлаш, социал тамъинот хизмати, аҳолига савдо, медицина, маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилаш, энг муҳими ҳокимликнинг таянчи бўлган қишлоқ шўролари, маҳаллалар фаолиятини янада жонлантириш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳам маълумот олдилар.

Маъруза юзасидан сўзга чиққанлар Юнусобод қишлоқ шўроси 1-Дархон маҳалла қўмитаси раиси **Ғ. Исоқов**, «Ҳасанбой» жамоа хўжалиги раиси **Т. Алимов**, Навоий маҳалла қўмитаси раиси **Э. Ғуломов**, Собир Раҳимов номли жамоа хўжалиги боғча мудираси **Д. Каримжонова** ва бошқалар ҳокимлик ўн ой ичида амалга оширган ишларни алоҳида қайд этиб, ҳисоботни қониқарли деб топиш тўғрисида таклиф киритдилар. Ҳисобот яқдиллик билан қониқарли деб топилди.

Сессияда вилоят ҳокими муовини **Ҳ. Ҳ. Ҳамидов** нутқ сўзлади.

Сессия ишида президентлик маҳкамаси маслаҳатчиси **И. П. Шодмонқулов** иштирок этди.

С. ҲАСАНОВ,
О. КРУПЕНЬЕ.

ИШБИЛАРМОНЛИК—ШУ КУННИНГ ТАЛАБИ

КУНИ кеча йигирма биринчи чақириқ халқ депутатлари Паркент район кенгашининг XII сессиясида Паркент райони ҳокими **Эркин Рўзиматов** ҳисобот даври мобайнида ҳокимликнинг бажарган ишлари ҳақида маъруза қилди.

Нотиқ даставвал, район ҳокимлиги асосий эътиборни республика Президенти, ҳукумати ҳамда вилоят ҳокимлиги фармон ва қарорларининг ижросини район ҳудудида таъминлаш, ҳозирги мураккаб бозор муносабатларига ўтиш жараёнида аҳолининг турли табақаларини ижтимоий ҳимоялаш борасидаги чора тадбирларга қаратганлиги ҳақида сўз юритди.

Паркент районининг етакчи ишлаб чиқариш тармоғи — қишлоқ хўжалиги соҳасида маълум ишлар амалга оширилди, деб таъкидлади маърузачи. Жумладан, ғалла, мева, полиз, экинлари ва сабзавот топшириш бўйича режалар ортиғи билан бажарилди. Картошка топшириш давом этмоқда. Давлатга жун, ғўшт топшириш режалари ҳам уддаланди. Шунга қарамай районда қорамоллар сони 280, шу жумладан, сигирлар сони 175 бошга, ўз навбатида сут ҳам ўтган йилдагига нисбатан 1437 тоннага камайган. Давлатга тухум топшириш тўқ-қиз ойлик режаси бажарилмай қолди.

Ҳокимнинг нутқидан маълум бўлдики, районда қишлоқ хўжалиги ва чорвачиликни ривожлантириш ва меҳнаткашлар фаровонлигини ошириш борасида янги услублар қўлланилмоқда. Маҳсулотларни қайта ишлаш, қишлоқ хўжалигида саноат ва ёрдамчи тармоқларни ривожлантириш юзасидан жорий йилда бир қанча ютуқлар қўлга киритилди. Жумладан, «Қорақалпоқ» ва «Сўқоқ» давлат хўжаликларида ҳар бирининг қуввати 3 миллион шартли банка бўлган консерва цехлари ишга туширилди. Бешта давлат хўжалигида вино заводлари қуриб битказилди. Халқни йил давомида ҳўл мева маҳсулотлари билан таъминлаш имкониятини берадиган катта-катта музлатгич омборхоналари қурилди ва қурилмоқда.

Қурилиш соҳасида бирмунча қийинчиликларга дуч келинмоқда. Маблағларнинг қисқариб, қурилиш материаллари, техника, ёнилғи ва бошқа хизмат кўрсатиш ҳақлари ошиб кетганлиги режада кўрсатилган бирқанча бинолар қурилишини тўхтатиб қўйди. Шунга қарамай Паркент шаҳрида, Чанги қишлоғида ва «Наврўз» давлат хўжалигида мактаблар, Энгельс номли давлат хўжалигида болалар боғчаси ва бошқа бир қанча қурилишлар ниҳоясига етиш арафасида турипти. Бундан ташқари аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш, ҳонадонларни газлаштириш, йўлларни асфальтлаш каби ишлар ҳам катта суръатлар билан давом этмоқда.

Шу йилнинг ўзида аҳолини уй-жой билан таъминлашни яхшилаш мақсадида Паркент район ҳудудидаги 1067 оилага шахсий уй-жой қуриш учун 127 гектар, боғ-ховли учун эса 288 оилага 23 гектар ер ажратиб берилди. Шахсий уй-жойларни тиклаш учун эса 156 оилага 2 миллион 425 минг сўм маблағ қарзга ажратилди.

Маҳсулот айрибошлаш йўли билан район аҳолисига асосий озиқ-овқат турлари, пахта матолари, маданий-маиший моллар, кийим-кечак ва қурилиш материаллари келтирилмоқда. Булардан ташқари тайёрлов — савдо ширкати бирлашмаси корхонаси қошида Туркия билан ҳамкорликда териларни қайта ишлаб, иссиқ пўстин тикиб чиқарувчи қўшма корхона қурилиши бошлаб юборилди. Ҳозирда мана шундай корхона ва ташкилотлар қошида очилаётган кичик корхоналар сони 120 тага етди. Асосий мақсад аҳолининг ишсиз қисмини иш билан таъминлашга ва керакли бўлган зарур халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришга қаратилган.

Э. Рўзматов катта даромад келтирувчи усул — маҳсулотларни қайта ишлаб, кейин сотишга амал қилиш зарурлигини таъкидлаб ўтди ва бир мисол келтирди: вино заводи тайёрлаган маҳсулотнинг тўртдан бир қисми 5 миллион сўмга сотилган. Агарда вино тайёрлаимасдан узум хом ашё сифатида сотилганда бунча пул тушишни хаёлга ҳам келтириш мумкин эмасди.

Музокарада сўзга чиққан халқ депутатлари — Паркент шаҳар кенгаши раиси **С. Тўйчиев**, Сарак қишлоқ кенгаши раиси **Х. Сирожиддинов**, район матбуот жамиятлари уюшмаси бошқарувининг раиси **С. Йўлдошев**, район ички ишлар бўлими бошлиғи **М. Пайзиев** ва бошқалар қилинган ишлар, эришилган ютуқлар ва йўл қўйилаётган камчиликлар ҳақида сўз юритдилар ҳамда Ҳокимлик ишини қониқарли деб баҳоладилар.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди, келажакда қилинадиган ишлар, вазифалар ва аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари **М. М. Қурбонов** иштирок этди.

Р. ШОЖАЛИЛОВ,
И. РУДАКОВА.

СОЛИҚ НАЗОРАТИ АМАЛДА

Солиқ назоратининг бозор иқтисодиётига ўтиш ҳамда жамиятда бозор муносабатлари тобора ҳукмрон бўлаётган вақтда мавқеи бениҳоя ўсмоқда. У давлат бюджетини тўлдиришнинг асосий манбаларидан бири бўлиб қолади. Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани солиқ назорати бошлиғи Аловиддин Фатхуллаевич АСОМИТДИНОВ билан суҳбатимиз шу назорат олдига қўйилган вазифалар, унинг бу йилги ишлари ва муаммолари ҳақида бўлди.

— Аловиддин Фатхуллаевич, солиқ назоратини ташкил этишдан мақсад, унинг асосий вазифалари нимадан иборат? Шу ҳақда қисқача гапириб берсангиз.

— Бозор иқтисодиётига ўтиш, шу вақтгача фақат давлатники бўлиб келган корхоналар, ташкилотлар, муассасаларни унинг тасарруфидан чиқариш, ҳамма соҳада мулкни хусусийлаштиришга, якка ёки жамоа тартибидаги мулкчиликнинг пайдо бўлиши ва кенгайишига йўл очиш, қисқаси бозор муносабатларининг жамиятимиз ҳаётига чуқур кириб бораётганлиги бундай маҳкаманинг пайдо бўлишини тақозо этди. Ҳар бир мулк эгасининг ўзи кўраётган даромад ва фойдадан давлат томонидан белгиланган фоиз миқдорида солиқ тўлашини назорат қилиб туриш назоратимизнинг асосий вазифасидир.

Бу мураккаб соҳадаги барча ишимизни «Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида»ги, «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги, «Аҳолидан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари асосида олиб бораямиз. Бу норматив ҳужжатларга риоя қилиниши, уларнинг бажарилишини назорат қиламиз.

Бу иш нисбатан янги, ҳали унинг ўрганилиши ва тўла ўзлаштирилишига эришилганича йўқ. Шунинг учун мутахассислар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар ва ширкатларнинг молиявий фаолиятини, улар олаётган даромадлар, фойда ва балансларини текшириш сифатини яхшилаш мақсадида назорат ходимларининг иш малакасини ошириш бўйича доимий ўқув ташкил этилди. Унда ҳар ойда икки марта машғулот ўтказилмоқда. Айни вақтда корхоналар, ташкилотларнинг ҳисоб-молия хизматлари ходимлари билан кенгаш-семинарлар мунтазам уюштирилянти, уларда ҳисоб олиб бориш ва ҳисоботни тузиш тартиби аниқ мисолларда тушунтирилмоқда.

Ҳозирги вақтда туман солиқ назорати бюджетга тўловлар тўлайдиган салкам беш юзта корхона ва ташкилот, кичик корхона, ширкатни назорат қилиб турипти. Улар томонидан ҳисоб-китоблар тўла ва тўғри олиб борилиши, мажбурий тўловларнинг вақтида тўланиши, унинг норматив ҳужжатларга тўғрилиги текшириб турилмоқда.

— Текширишлар натижалари нимани кўрсатмоқда? Ҳамма жойда солиқ ва бошқа тўловлар тўлаш тартибига тўла амал қилиняптими? Албатта, камчиликлар ҳам, тартиб бузишлар ҳам, олинган даромад ва фойдани яшириш, бу билан камроқ солиқ тўлаш ҳоллари ҳам аниқланаётган бўлса керак?

— Туман солиқ назорати ўтган йили ва шу йилнинг биринчи ярмида 152 та корхона — ташкилотнинг давлат бюджетига солиқлар тўлаши бўйича молиявий-хўжалик фаолиятини текширди. Улар туманимиздаги барча жамоаларнинг учдан бир қисмидир. Айрим корхона — ташкилотлар раҳбарлиги бу белгиланган тартибга тўла амал қилишгани аниқланди. Лекин афсуски, камчиликлар, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак кўзбўямачилик ҳолларига ҳам дуч келинди. Олинган даромад ва фойдани ҳар хил йўллар билан камроқ кўрсатиш ва бу билан солиқларни ҳам озроқ тўлашга уриниш бўлганлиги очилди.

Қиғир ишнинг қийиғи албатта чиқади, деганларидек, бундай номақбул ҳатти-ҳаракат, давлатни тўғридан-тўғри алдаш текширишларда очиб ташланмоқда. Юқорида айтилган давр мобайнида бюджет фойдасига яна 4628,2 минг сўм мусодара қилинди. Шу жумладан, 1025 минг сўмдан кўпроқ молиявий санкция солинди.

Ҳисоб-китобда тартиб бўлсин

— Айбдорларга нисбатан чоралар кўрилдими ёки ҳамма иш камчиликларни қайд қилиш билан чекланишдан иборат бўлдими?

— Асло бундай бўлгани йўқ. Нуқсонлар содир бўлишидаги айбдорларни шундай қолдириб бўлмайди. Ундайларга нисбатан албатта чора кўрилади. Ҳозирча кўпроқ маъмурий чора кўриш билан чекланяпмиз. Бу улар бошқачароқ, яъни қатиқроқ жазога тортилмаяпти, деган гап эмас. Уларнинг айримлар фаолияти тегишли тергов ташкилотлари ҳукмига ҳам ҳавола этилмоқда.

Молиявий бузилишларга йўл қўйганлардан етмиш киши маъмурий жавобгарликка тортилди. Улардан ундириб олинган жарима суммаси 26,2 минг сўмни ташкил этди. 122 ҳолда корхоналар ва ташкилотларнинг ҳисоб-китоб ҳисоблари бўйича юмушлари тўхтатиб қўйилди.

Айни вақтда иш ҳақидан солиқ олишнинг тўғрилигини текшириш юзасидан ҳам ишлар олиб борилянти. Худди шу масала бўйича 181 ташкилот фаолияти тафтиш қилинди. Уларнинг анчагинасида иш ҳақидан даромад ва бошқа солиқларни олиш тартибига риоя қилинмаётганлиги, у қўпол равишда бузилаётганлиги маълум бўлди. Текшириш натижасида бюджетга иш ҳақидан даромад солиғи 196,3 минг сўм кам ўтказилганлиги аниқланди. Бунинг учун 219,5 минг сўмлик пенея ундириб олинди. Қирқ нафарга яқин мансабдор шахслар маъмурий жавобгарликка тортилдилар. Улар шу қилмишлари учун 15 минг сўмликдан кўпроқ жарима билан жазоландилар.

Даромад, фойда олингач унинг тегишли қисми солиқ сифатида дарров давлат бюджети ҳисобига ўтказилиши лозим. Бу қоида, лекин айрим корхона-ташкилотлар раҳбарлари бунга ҳар доим ҳам риоя қилавермайдилар. Солиқни тўлаш бамисоли «эсларидан чиқиб қолади». Бундай лоқайдлик ҳам жазосиз қолмайди. Масалан, шу йилнинг тўққиз ойида солиқ бўйича тўловлардан бюджетга 75,3 миллион сўм тушди, бироқ унинг 13,3 миллион сўми муддатидан кейин тўланди. Тартиб бўйича бундай қилиш мумкин эмас. Кеч тўлангани учун 502 минг сўмлик пенея ундириб олинди.

Солиқ назорати ўзига берилган ҳуқуқлардан фойдаланиб, баланслар ва бошқа ҳисоб-китобларни белгиланган муддатдан кечиктириб тақдим этган корхона — ташкилотларга нисбатан ҳам чоралар қўлламоқда. Шу йилнинг тўққиз ойида бундай камчиликка йўл қўйган саксон нафардан ортиқ мансабдор киши маъмурий жавобгарликка тортилди. Улар 25,3 минг сўм жарима тўладилар. Саккизта ташкилотга нисбатан ўз вақтида ўтказилмаган солиқ тўловининг ўн фоизи миқдорида жарима солинди. Бу 52,7 минг сўмни ташкил этди. Даромадларни яширганлиги, молиявий интизомни қўпол равишда бузганлиги маълум бўлган корхоналар бўйича текшириш материалларини ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига узатилди.

— Кейинги вақтларда якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар сони кўпайиб бормоқда. Солиқ назоратининг улар билан муносабатлари қандай бўлаяпти? Туманда нечта шундай киши бор?

— Ҳамма жойлардаги каби туманимизда ҳам якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланиш истагини билдираётганлар сони кўпайиб бормоқда. Бу йил 374 киши меҳнат қилишнинг шундай турида қатнашмоқда. Улар туман аҳолисига турли хизматлар кўрсатишяпти. Ҳаммасида патент бор. Бунинг учун 280,9 минг сўм миқдорида солиқ тўлашяпти.

Афсуски, туманимизда тегишли рухсатнома олмасдан якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган кимсалар ҳам йўқ эмас. Биз уларни аниқлаш билан ҳам шуғулланаяпмиз. Шу йилнинг ўтган уч чорагида 191 нафар шундай киши топилди. Уларга нисбатан маъмурий ҳужжатлар расмийлаштирилди ва 28 минг 349 сўмлик жарима солинди.

Бюджетнинг даромад қисмини кўпайтиришга қаратилган бундай ишлар самараси дуруст бўлаяпти. Шу йилнинг тўққиз ойи учун белгиланган режа ошириб адо этилди. Бажарилиши 126,5 фоизга борди. Қўшимча тушган даромад деярли етмиш минг сўмни ташкил этди.

● 92-ЙИЛ ҲОСИЛИ ●

● ЮҚОРИЧИРЧИҚ районидаги «Гулистон» жамоа хўжалигида етиштирилган сабзавот ҳосилини йиғиб-териб олиш иншоотларига етказилмоқда. Суратларда: (чап дан) жамоа аъзолари К. Баратова, С. Раҳмонқуловалар бригада бошлиғи А. Мирзааҳмедов билан биргаликда сабзи пайкалларида.

Шу хўжаликнинг ишчилари Талаб Пўлатов ва Мирзааҳмад Эрматовлар оилавий пудрат асосида ишлаб, бир гектар ерда мўл ҳосил етиштирдилар. Ҳар гектаридан 180 центнердан сабзи ҳосили олдилар.

Суратқаш М. МАҲМУТОВ.

● Чиноз янгиликлари

АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

● ЧИНОЗ туманидаги шаҳсий ёрдамчи ва фермер хўжаликлари уюшмаси ҳузурида «Зоосервис» кичик корхонаси ташкил этилди. Бу ерда аҳолининг чорвасини даволаш ва сунъий қочириш хизматлари йўлга қўйилди. Ўтган бир ой давомида ўнлаб қора мол қочирилди. Чорва эгаларига ветеринария хизмати ҳам кўрсатиляпти. Қисқа муддатда кўплаб қорамол ва қўйлар турли касалликлар бўйича даволанди. Бу ерда хизмат қилаётган Ф. Зокиров ва З. Жўраевлар қисқа вақт ичида кўплаб мижозларнинг миннатдорчилигига сазовор бўлишди.

ХОНАДОНЛАРГА «ЗАНГОРИ ОЛОВ»

● ШАҲАРНИНГ «Оқ олтин» кўчасидаги хонадонларга табиий газ туширилди. Ҳозир 250 хонадон арзон табиий ёқилғидан фойдаланмоқда. Бундай қулайликнинг яратилишида маҳалла қўмитаси раиси Турсунбой Омонов, фаоллардан Осия Аҳмедова, Отажон Мансуров ҳамда «Чинозгаз» идораси жамоасининг хизмати катта бўлди.

ХЎЖААРИҚ ТИКЛАНЯПТИ

● ШАҲАР аҳолисини илгари Хўжаариқ сув билан таъминларди. Салкам ўн йилдирки, бу ариқда сув оқмай қолди. Қатор маҳаллалар аҳолиси бундан анча қийналди. Кўпгина дарахтлар сувсизликдан қуриди. Аҳоли кўп маротаба ариқни тиклаш мақсадида мурожаат қилди. Лекин у муаммолигича қолаверди.

Туман ҳокимлиги яқинда ҳашар йўли билан Хўжаариқни тиклашга астойдил киришди. Бу ишга шу ариқ сувидан фойдаланувчи барча маҳаллалар ёрдам беришга тайёр эканликларини билдирдилар. Ҳозиргача салкам 5километр масофадаги ариқ кавланиб, бошқа юмушлар давом этяпти. Эрта баҳордан «Янги маҳалла», Б. Ғафуров ҳамда Ҳамза кўчаларида Хўжаариқ суви оқа бошлайди.

ОШХОНА ИШГА ТУШДИ

● ЧИНОЗ автобус ва таксомотор паркида яна бир хайрли ишга қўл урилди. Бу ерда бирйўла 50 киши овқатланиш имконига эга бўлган ошхона ишга тушди. Уни Янгийўл районидаги 163 кўчма қурилиш колоннаси биноқорлари қисқа муддатда фойдаланишга топширдилар.

Ҳозир ошхонада лағмон, палов, кабоб каби миллий таомлар тайёрланиб, транспортчиларга тортиляпти.

Т. ЭРХУЖАЕВ.

ИЖОДИЁТ МАРКАЗЛАРИ МАДАДГА МУҲТОЖ

СЎНГГИ йилларда иқтисодиётнинг мушкул аҳволга тушиши кўпчиликни ташвишга солаётгани сир эмас. Тўғри, оғир аҳволдан чиқиб кетиш учун иқтисодиётнинг бозор йўли танланди. Бу йўл равон бўлса-да, анчайин машаққат эвазига қўлга киритилиши аниқ. Барча машаққатлар ортда қолиб, яхши кунлар ҳам келади. Яна фаровонлик, тўкин-сочинлик кунлари қайтади. Лекин, ҳозирги аҳвол болалар тарбиясига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Президентимиз болаларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўраётганлиги айни муддао. Бироқ, болалар аҳолининг энг кўп жабр кўрадиган ва ҳимояга муҳтож гуруҳи сифатида қолаверади. Чунки, улар маънавий жиҳатдан жамиятимизда юз бераётган жиддий ўзгаришларга тайёр эмасдирлар. Лекин улар онгли инсон сифатида жамиятнинг ҳар бир жабҳасида юз бераётган воқеликни сезиб турибди. Буни ўзига тўқ хонадон фарзандлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Аммо, ҳар бир маҳалла, даҳа ва бошқа турар-жойларда кам таъминланган оилалар сони қанчадан-қанча дейсиз.

Шуни ҳисобга олган ҳолда қабул қилинган ҳукумат қарорлари болалар ва ўсмирларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этишга қаратилган эди. Ўша қарорларга биноан маданий-оммавий ишлар маблағ билан таъминланди. Жумладан, болалар ва ўсмирлар уйи тураржой ҳақининг 1—2 фоизи, ижарадаги биноларнинг 5 фоизи ҳамда уй-жой трестлари умумий даромадининг 3 фоизи ана шу мақсадга сарфланди. Бу маблағлар эвазига Тошкентда 59 та ўсмирлар ижодий марказлари ташкил қилинди. Клубларга педагоглар, ташкилотчилар, йўриқчилар жалб қилиниб, ўсмирларнинг мактабдан ташқари вақтларини тўғри ташкил этиш учун жисмоний, оммавий ишлар ва бошқа тадбирлар йўлга қўйилди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу клубларга тарбияси оғир болалар, жумладан, вояга етмаганлар билан ишлаш ички хизмат назорати ҳисобида турадиганлар ҳам жалб қилиниб, тарбиявий ишлар кучайтирилган тарзда олиб борилди. Ўсмирлар клубларининг ходимлари мактаб билан яқиндан алоқада бўлиб, ҳамда ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари билан мустаҳкам боғланиб иш юритдилар. Уларнинг биргаликда олиб борган ишлари самараси ўлароқ бир қанча иуфузли тўгараклар, секциялар иш юрита бошлади.

Биргина Яккасарой районидаги шундай тўгарак ва секцияларда 350 дан ортиқ болалар қатнашмоқда. Улар орасида тарбияси оғир ва «ҳуқуқбузар» болалар ҳам анчагина. Бу ерда турли тарбиявий ва профилактик ишлар олиб борилмоқда. Клубларда доимий қатнашиб келаётган болалар, уларнинг ота-оналари билан олиб борилган суҳбатлардан шу нарса маълум бўлдики, бундай марказлар яхши ўзлаштирмаган ва тарбияси оғир болаларнинг ўз тенгдошлари орасида ўринларини топиб олишларига ёрдам бермоқда.

Кўпинча мактабларимизда яхши ўзлаштирмаган болаларга нисбатан доимий айрича фикрлар билдирилади. У мактабдан чиқиб кетгунча «ёмон»лигича қолади. Албатта, бундай қарашнинг олдини олиш керак. Ҳар бир болага алоҳида эътибор зарур. Қолаверса уларнинг маънавий жиҳатдан камол топишига жамоанинг ҳам таъсири каттадир. Жамоадаги муҳит яхши бўлса, уларнинг ишида ижобий ўзгаришлар сезиларли даражада кўринади. Яхши жамоа болалардаги қобилиятнинг янада шаклланишига хизмат қилади ва уларни севимли машғулотларига виждонан ёндашишга ундайди. Бу борада Яккасарой районидаги бир қанча ўсмирлар клубида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовор. «Тенгдош», «Гвоздичка», «Орленок» ўсмирлар клубларида тарбияси оғир болалар билан ишлаш яхши йўлга қўйилган. Биргина мисол. Бир йил бурун «Учқун» ўсмирлар клуби қошида тузилган

БОЛАЛАР МУАССАСАЛАРИ ВА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ

театр марказига ўн беш ёшли Володя Дудочкин исмли ўсмир қабул қилинган эди. Володядаги қобилиятни сезган педагог ташкилотчи Е. Ицкович у билан алоҳида тарбиявий иш олиб борди. Буни қарангки, у театрнинг кўзга кўринган актери ва рассомига айланди. Тўққизинчи синфни тугатгандан сўнг Володянинг малакасини ошириш мақсадида Могилев театр билим юртига ўқишга юборилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Акмал Икромов районидаги бир қанча ўсмирлар марказлари қошида ташкил этилган «Ўзинг бажар» тўгаракларига болалар билан биргаликда уларнинг ота-оналари ҳам келишмоқда. Чунки бу тўгаракларда уйрўзғор учун фойдали бўлган машғулотлар олиб борилянти. Хонадоиларни таъмирлаш, мебел буюмларини тузатиш, дурадгорлик касби сир-асрорларини ўргатиш шулар жумласидандир.

Собир Раҳимов районидаги «Сувенир» ўсмирлар ижодий марказида ҳам болалар фойдали ишлар билан шуғулланишяпти. Ҳатто ўзлари ясаган турли буюмларни сотиш учун ярмаркалар уюштиришмоқда. Бундан тушган маблағ эса тўгарак фаолиятини жонлантириш учун сарфланяпти. Шунингдек, район ўсмирлар клублари педагогик ташкилотчилари болаларининг қизиқишларига қараб ўзбек халқ санъатининг анъанавий турлари — ганч, ёғоч ўймакорлиги, сўзана, дўппи, жойнамоз тикиш тўгаракларини ташкил этмоқдалар. Бу болаларга касб ўргатишгина қолмай, келгусидаги ҳаёт йўлларини ҳам белгилаб беради.

Бироқ, шундай тўгаракларнинг, ўсмирлар клублари ҳам мавжудки, уларнинг номигагина фаолият кўрсатаётганлиги болалар тарбиясига салбий таъсирини ўтказмоқда. Натижада, болалар мактабдан ташқари бўш вақтларини бекорга сарфламоқдалар. Бундай марказларнинг кўпчилиги зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланмаган.

Бир оғиз ширин сўз ёки бир пиёла иссиқ чой боланинг қалбини иситибгина қолмай, унинг келгуси ҳаётига ижобий таъсирини ўтказади. Демоқчиманки, ҳар бир ўсмирлар ижодий марказларига эътибор етарлича бўлиши керак. Шундай иш юритсак, кўзланган мақсадга эришамиз. Тараққий этган жамият сари дадил қадам ташлаймиз.

Шаҳримизда болалар ва ўсмирларга хизмат кўрсатадиган мактабдан ташқари муассасалар сони жуда кўп. Деярли кўпчилиги яхши моддий базага ҳам эга. Лекин, юқорида таъкидлаганимиздек, бозор муносабатлари уларнинг иш фаолиятига ўз таъсирини ўтказмоқда. Марказлар пуллик хизмат кўрсатишга ўтиляпти. Буни ҳамманинг ҳам чўнтаги кўтаравермайди. Қолаверса, ўсмирлар клубларига қатнашадиганларнинг асосий қисмини кам таъминланган оилалар фарзандлари ташкил этади. Уларнинг сони шаҳримизда қарийб 8 мингтадир. Шу жумладан, 542 та тарбияси оғир, 177 нафари балоғатга етмаган болалар билан ишлаш ички хизмат назоратида турадиганлар. Шуни ҳисобга олган ҳолда ва умуман болаларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш учун ижодий марказлар фаолиятини бепул жорий этиш зарур, деб ўйлайман. Яқин орада уй-жойларнинг хусусийлаштирилиши муосабати билан аҳвол бундан ҳам оғирлашиш хавфи бор. Чунки, уй-жойлар хусусийлаштирилгач, уларнинг ўсмирлар ва болалар ижодий марказларига ажратиладиган маблағи ҳам ўз-ўзидан тўхтайди. Бу ҳақда юқори ташкилотлар барча педагог, ташкилотчи ва йўриқчиларни оғзаки равишда огоҳлантирдилар.

Бозор иқтисоди борасидаги ўз билимим ва дунёқарашимдан фойдаланиб, шуни таъкидламоқчиман: бозор ўзининг объектив қонун-қоидаларига эга. Уни ҳеч ким бошқа омилларга буришга ҳаққи йўқ. Қолаверса, юқорида ташкилотларнинг қарорларини ҳам бекор қилиш ҳуқуқи ҳеч кимга берилмаган.

Болаларнинг қизиқишларини ҳисобга олган кўпгина ташкилотлар, жамоат, маҳалла қўмиталари, педагоглар, йўриқчилар, тўгарак раҳбарлари республика Олий Кенгашига, адлия ва халқ таълими вазирликларига мурожаат этиб, ўсмирлар ижодий марказларини халқ таълими системаси ихтиёрига ўтказишни илтимос қилдилар. Аслида 1991 йилнинг май ойигача марказлар халқ таълими системасида фаолият кўрсатиб келган эди. Бу яна ўз ҳолига қайтса, ўйлайманки, болаларни давлат ўз ҳимоясига олган бўлади.

Л. КОСУХИНА,
тарих фанлари номзоди, доцент.

Маҳфузахон:

«ЎЗБЕК—ЎЗИГА БЕК ДЕГАНИ»

ТАҚДИР тақозоси билан кўплаб ватандошларимиз турли сабабларга кўра ўз юртларини ташлаб кетишга мажбур бўлганлар. Мустақиллик шарофати туфайли улар ўз она юртларини зиёрат қилиш бахтига муяссар бўлдилар. Жамоатчи мухбиримиз туркиялик ватандошимиз Маҳфузахон билан суҳбатлашди.

— Маҳфузахон опа, аввало хуш келибсиз. Суҳбатимизни қандай қилиб Туркияга бориб қолганингиздан бошласак.

— Раҳмат. Отам Мунаввархўжа Тошкентнинг Шайҳантоҳурида туғилган. Онам Жўрахон ая эса Қозоғистоннинг Қоплонбек деган еридан бўлиб, Отахон Тўранинг қизидир. Отам Хитойга қулоқ қилинганида биз беш бола эдик. У етти ярим йил Қизил Чиннинг қўлида ётади. «Ўлдирилсин» деб ҳукм чиққанида отам оиласи билан Ҳиндистонга қочиб ўтади. Бу воқеа 50-йилларга тўғри келади. Ўшанда мен уч яшар бола эдим. Онам вафот этгандан сўнг оила ташвиши ёлғиз отамнинг елкасига тушади. Отам сиёсат, тижорат билан шуғулланган. Ҳаммамизни улғайтириб, уйли-жойли қилди. Мана шу йиллари опам Ҳолида Тошкентга қайтиб келади. Унинг ўнта фарзанди бор. Ҳозир биз ана шу опамнинг уйида турибмиз.

1965 йил мен Ҳиндистонда турмушга чиққанман. Турмуш ўртоғим Абдуллатиф Ориф ўғли асли марғилонлик бўлиб, у киши ҳам ота-онаси билан тўққиз ойлик ғўдаклигида Ҳиндистонга борибқолишган. 1971 йили оиламиз билан Туркияга кетганмиз. Отам 81 ёшларида вафот этганлар.

— Ўзбекистонга иккинчи марта келишингиз экан. Ўз таассуротларингиз ҳақида гапириб берсангиз?

— Ватанга биринчи бор ўтган йили келган эдик. Бизнинг ташрифимиз Ўзбекистон истиқлолга эришган дастлабки кунларга тўғри келган. Тошкентдаги қариндошларимиз билан биз ҳам бу байрамни нишонлаган эдик. Авваллари биз фақат катталарнинг ҳикоялари асосида Ўзбекистон ҳақида тасаввурга эга эдик, холос. Юртимни мана шундай гўзал, кўркам, баҳаво, халқининг эса имондор, меҳмондўст деб тасаввур қилар эдим. Дом ўзимга ўзим «Ўзбек — ўзига бек» деб гапириб юрар эдим. Келиб кўрдим. Айниқса, менинг бу фикрим юртим истиқлолга эришгандан кейин яна ҳам ишонарли эшитилса керак. Ўзбекистон жуда бой ўлка. Дунёдаги ҳеч бир мамлакатнинг бозори, гарчи у юксак тараққий этган бўлса ҳам, Ўзбекистон бозори каби серо, тўкин-сочин, чиройли эмас. Ўзбекистонни ҳеч иккиланмай жаннатмакон диёр дея аташ мумкин.

Халқи тўғрисида гапирадиган бўлсак, ҳеч бир миллат ўзбек халқичалик меҳмондўст, кўнгилчан бўла олмайди. Ўзбегим ҳеч қачон ўз халқини ҳам, ўзга халқни ҳам оғир кунида ёлғиз қўймайди. У ўта ватанпарвар ва миллатпарвар халқ.

— Гапларингиздан кўриниб турибдики, сиз хорижда тиришими, суннат тўйлари, бешик тўйлари ҳаммаси худди шу ердагидек ўтказилади. Фақат бир фарқни ажратдим, бизда қуёв билан келин фотиҳа қилинганидан кейин тўйгача рамазон ҳайити бўлса келинга совға салом юборади, қурбон ҳайити келса, қурбонлик юборади. Бу нарса балки бошқа воҳаларда бордир, лекин Тошкентда бундай қилинмас экан.

— Нечта фарзандингиз бор?

— Тўртта фарзандим бор. Уч ўғил, бир қиз. Катта ўғлим Алп Арслон 26 ёшда, архитектор, ҳозир Истамбул Техника университетининг сиртдан аспиранти, бўш вақтларида отасига тижорат ишларида ёрдам беради. Қизим Рухия 24 ёшда, иқтисодчи, у ҳам аспирант. Кейинги икки ўғлим Алп Текин билан Алп Кўкалдош дўхтирликка ўқияптилар.

— Фарзандларингизнинг ёшлари катта экан. Нега улар уйли-жойли эмас?

— Мен бу ерга келиб йигитлар эрта уйланиб, қизларни ёш турмушга беришаётганлигини кўрдим. Мен бунга қаршиман. Чунки ёшларга оила ташвиши тушгандан сўнг улар шуғулланаётган ишлари хоҳ илм, хоҳ тижорат бўлсин, маълум миқдорда чекланадилар. Бир томондан улар ҳали оила қуришга тайёр бўлмайдилар. Ёш турмуш қуриш оиладаги муносабатларга Рухия 24 ёшда, иқтисодчи, у ҳам аспирант. Кейинги икки ўғлим Алп Текин билан Алп Кўкалдош дўхтирликка ўқияптилар.

— Фарзандларингизнинг ёшлари катта экан. Нега улар уйли-жойли эмас?

— Мен бу ерга келиб йигитлар эрта уйланиб, қизларни ёш турмушга беришаётганлигини кўрдим. Мен бунга қаршиман. Чунки ёшларга оила ташвиши тушгандан сўнг улар шуғулланаётган ишлари хоҳ илм, хоҳ тижорат бўлсин, маълум миқдорда чекланадилар. Бир томондан улар ҳали оила қуришга тайёр бўлмайдилар. Ёш турмуш қуриш оиладаги муносабатларга ҳам ўз таъсирини ўтказади. Қиз ҳам, йигит ҳам оиладаги бурчларини чуқур тушуниб етмаган бўлишади.

— Муҳтарам меҳмон, шу ўринда оиладаги аёлнинг ўрни ҳақидаги фикрларингизни билмоқчи эдим.

— Аёл — бу, аввало она. У севимли ёр, опа, сингил ва шу кабилар. Шундай экан, оилада аёл оналигини унутмаслиги керак. Эркак ҳам ўз навбатида ўз жуфти ҳалолини авайлаши, ҳурматлаши зарур. Ширинсўз, меҳрибон, оқила, доно аёл уйни яшнатади. Туркларда бир мақол бор: уни ўзбекчага ўгирса, «Яхши хотин эрни вазир қилади, ёмон хотин разил қилади». Худди шу маънода ўзбекларда ҳам «Эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам хотин» деган мақол бор. Фарзандларга асосий тарбияни она беради. Ота эса асосан оилани моддий жиҳатдан таъминлаш билан банд бўлади.

— Демак, сиз аёл кишининг ишлашига қарши экансиз-да?

— Албатта. Аёлнинг уйда бўлгани маъқул. Гап келганда, бир нарсани ҳам айтиб ўтмоқчиман. Мен болаларни уч-тўрттадан кўпайтирмаслик тарафдориман. Бу онанинг соғлиги учун ҳам, болалар тарбияси учун ҳам фойдали. Оддий мисол. Кўп идиш ювиётганингизда охиргисини ювгунча чарчайсиз. Фарзанд кўриш ва тарбиялашда ҳам худди шундай. Инсон кучини ўз ўрнида, меъёрида сарф қилиши керак.

— Сафар давомида сизни ранжитган нарсалар ҳам бўлдими?

— Мен бу яхши, у ёмон экан, деб айтолмайман. Чунки меҳмонман. Лекин баъзи бир нарсалар ҳақида фикримни билдирмоқчиман, холос. Бу ерда бир қанча оилалар билан танишдим. Ундаги оилавий муносабатлар, эр-хотин, ота-она вазифалари, фарзанд бурчи ва умуман, шу кабилардан кўнглим тўлмади. Ажралиш кўплиги туфайли тирик етимлар сони ҳам анчагина экан. Бундан ҳам ачинарли ҳол борми? Ёшлар тарбиясида эса, миллий руҳ кам. Ўғилларимиз мард, ўз ёрларига вафодор, лафзи ҳалол бўлишлари, қизларимиз ор-номусли, ширинсўз, покиза бўлмоқликлари даркор.

Юртимизда ислом динига катта аҳамият берилаётгани мана шу нарсаларни бартараф этса қувонарли ҳол бўлар эди. Чунки ислом динига тўғри маънода муносабатда бўлган кишининг йўли доимо равшан бўлади...

Нонбаҳон АЗИЗОВА суҳбатлашди.

ЯНГИ КИТОБЛАР

«ҚАТАҒОН» ДОСТОНИ

● БОЗОР иқтисодиётига ўтиш адабиёт бозорини ҳам касод қилгани ҳеч кимга сир эмас. Турли олди-қочди ва беҳаё мавзулардаги бозори чаққон китоблар қаторида чинакам ижод маҳсули бўлган асарлар ҳам ҳаркалай мухлисларга етиб боряпти. Яқинда Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмасида чоп этилган шоир Султон Анбархўжанинг «Қатағон» достони шундай асарлар сирасига киради.

Достоннинг ибратли жиҳати шуки, ундаги воқеалар бевосита 37-йиллардаги қатағонларни ўз кўзи билан кўрган киши томонидан қаламга олинган. Ўнг ўқиқ экансиз, кўз ўнгингизда гўё бутун мамлакат қамоқ лагерлари ва тиканли симлар билан ўралгандек туюлади.

Ҳозирги қоғоз тақчил ҳамда нашриётлар ҳаҳиналари бўшаб қолган бир пайтда аҳли қалам саҳоватли ҳомийларга муҳтожлик сезмоқда. Шу маънода ушбу мўъжаз китобни чоп этишга бош қўйган Жиззах шаҳридаги «Ширин» ширкатининг иши диққатга сазовордир. Истагимиз шуки, бундан кейин ҳам адабиётимиз келажаги учун қайғурадиган ҳотамтойлар кўпаяверсин.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

ОЙНАИ ЖАҲОНДА

КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ

ОЙНАИ ЖАҲОНДА

Сешанба, 24. XI

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Инсон ва табиат». Кинопрограмма.
7.55 «Таҳо сузиш». Бадиий фильм.
9.25 Ўзбек тилини ўрганамиз.
9.55 Чим хоккейи бўйича Ўзбекистон кубоги. Эркаклар.
10.25 «Ёшлик» студияси саволларингизга жавоб беради.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Қувноқ болалик диёрида». Мультфильм.
18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Талабалик йилларим».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Спортлото».
19.25 «Дирижёр ҳикоя қилади».
19.55 «Санъат олами». Тўхтабек Соипов.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ҳукумат тадбирлари.
21.30 «Ҳорманг, бободеҳқонлар!». Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви.
22.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.45 «Авлиё Лука»нинг қайтиши». Бадиий фильм.
00.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Ёнғиндан сақланинг».
19.00 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси — умумхалқ муҳокамасида.
19.40 «Мусиқали меҳмонхона».
20.10 «Алоқалар ва шартномалар».
20.40 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида.
21.50 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 11.55, 15.20, 21.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.05 Футбол шарҳи.
10.35 «Умид». Ногирон болаларнинг хайрия концерти.
11.25 «Турмуш ижир-чижирлари». Бадиий телесериал. 8-серия.
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Давид ва Голиаф». Телевизион бадиий фильм.
13.30 Мультфильм.
13.55 «Биргаликда». Телевизион бадиий фильм.

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 Ишбилармон кишилар хабарномаси.
15.40 «Адам Смит бойлиги дунёси».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм.
17.05 «Стартинейджер».
17.50 «Паҳлавон Иван шоҳ қизини қандай қутқариб қолди». Мультфильм.
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.20 «Қулупнай ёмғири». Мультфильм.
18.30 Футбол шарҳи.
19.00 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.45 Миниатюра.
20.00 «Мавзу».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 А. Миндадзе ва В. Абдрашитов фильмлари. «Сайёралар намойиши».
23.00 «Ҳарбий ревю».
23.30 «Мен сизни севардим...». А. С. Пушкин.
24.00 Янгиликлар
00.40 А. Скрябин. 2-симфония.
01.30 Волейбол. Украина чемпионати. Хотин-қизлар. «Искра» (Луганск) — «Орбита» (Запорожье).

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 «Ҳақиқат онлари».
9.40 Ишдан бўш пайтингизда. «Мушуклар — бизнинг овунчоғимиз».
9.55 «Полигон».
10.25 «Маски-шоу».
10.55 Концерт залида. «Қалб хотираси».
11.40 Мульти-пульти.
12.00 Кундузги сеанс. «Ёлғиз инсон овози». Бадиий фильм.
13.35 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

15.55 Телебиржа.
16.25 «Бадабоки». Мактабгача ёшдаги болалар учун кўрсатув (Франция).
16.45 Мульти-пульти.
16.55 Янгиликлар.
17.10 Трансросэфир. «Урал-ТВ».
17.55 Эълонлар.

*

18.00—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар.
22.25 Спорт кўрсатуви.
22.30 «Қайтиш».
23.25 «Арт-обстрел».
00.25 Бугун Россия Федерацияси Олий Кенгашида.
00.40 Корнев хори куйлайди.

Чоршанба, 25. XI

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Муножот». Фильм-концерт.
8.05 «Қадимги шўхликлар». Бадиий фильм.
9.20 Турк тили.
9.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Телеойнома».
10.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика. ЭҲМ ва унинг ишлаш принципи.
11.00 «Таллиндаги карнавал». Телефильм.
11.30 Ўқитувчилар, Сизлар учун. Информатика ўқитиш муаммолари.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Паҳмоқвой». Мультфильм.
18.20 Болалар учун. «Доно бобо даврасида».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Қадрият».
19.50 «Қўшиқ рақса уланса». Мусиқий кўрсатув.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси — умумхалқ муҳокамасида.
21.30 «Доиранинг довруғи». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Талъат Сайфуддинов.
22.20 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.50 «Шошилинч чақирув». Бадиий фильм.
00.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
19.20 Спринт.
19.40 Рақслар, рақслар.
20.40 «Ирик планда».
21.40 «Ишбилармонлар».
22.20 «02» тўлқинида».
22.45 Регби бўйича Марказий Осиё чемпионати.

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20, 23.55— Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.50 Мультфильмлар: «Икки эртак», «Ҳамма гап шляпада».
11.20 «Рок-сабоқ».
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Комик жазман ёки сэр Жон Фальстафнинг ишқий эрмаклари». Телевизион бадиий фильм.
13.35 «Бахтли қирғоқ». Телевизион бадиий фильм.

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.20 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм.
17.10 «Рок-сабоқ».
17.50 «Матбуот-экспресс».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Штраус номли Вена камер оркестрининг концерти.
19.25 Мультфильмлар.
20.00 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 Волейбол. Россия чемпионати. Эркаклар. АСК (Ростов) — «Самотлор».
21.55 Футбол. УЕФА кубоги. 1/8 финал. «Динамо» (Москва) — «Бенфика» (Португалия). «Торпедо» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (22.45) — «Ҳеч нарса ҳақида репортаж».
24.00 Янгиликлар.
00.35 Футбол. Европа чемпионлари кубоги. «Брюгге» (Бельгия) — МАСК. Бельгиядан олиб кўрсатилади.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Эълонлар.
8.25 Ишбилармон кишилар даври.
8.55 «Ватаним менинг».
9.55 Параллеллар. «Юзма-юз».
10.10 «Қайтиш».
11.05 «Антреприза». В. Стржельчик А. Арбузовнинг «Эскирган комедия»сида.
11.50 Мульти-пульти.
12.00 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 103-серия.
12.50 Мульти-пульти.
13.05 «Бурда моден» таклиф этади...».
13.35 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

15.55 «Сигнал».
16.10 «Смирновлар оиласи. «Бундан буён қандай яшаш керак?». Телефильм (Австрия).
16.55 Янгиликлар.
17.10 Трансросэфир. «Узоқ Шарқ».
17.55 Эълонлар.

*

18.00—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар.
22.25 Спорт кўрсатуви.
22.30 «Монстр». Ҳужжатли телесериал премьераси (Россия —АҚШ). 5-фильм. — «Сталин ва уруш».
23.20 Парламент хабарномаси.
23.35 «Мен бошқа бундай мамлакатни билмайман». Жанубий Африка Республикаси.
24.00 «Сатирикон» студияси.
00.45 Бугун Россия Федерацияси Олий Кенгашида.

Пайшанба, 26. XI

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Шарқнинг етти гўзали». Фильм-концерт.
7.55 «30 ёшга тўлганда». Бадиий фильм.
9.20 Араб тили.
9.50 «Нафосат оламида». Кинопрограмма.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Биология. Органик олам эволюциясининг асосий йўналишлари.
11.00 Эркин кураш. Ўзбекистон чемпионати.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон халқлари тарихи. Ўзбекистонда жадидлар ҳаракати.
12.00 Болалар учун. «Кичкинтой» студияси кўрсатади.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Қоқигул». Мультфильм.
18.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат гунчалари».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Чорвадор».
19.45 Мумтоз куйларидан концерт.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Санъат усталари». Ўзбекистон халқ артисти Икрома Болтаева.
22.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.30 «Аждаҳо ови». Бадиий фильм.
00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.00 «Иқтисодчилар мактаби».
19.40 Мусиқали дақиқалар.
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.10 «Бу оқшомда».
21.30 «Пульс». Хабарлар.
21.40 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.30 Футбол. Европа чемпионлари кубоги.
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Имтиҳондан олдин». Телевизион бадиий фильм.
13.25 «Сайроқи қуш кимникига қўнди». Телевизион бадиий фильм.

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.20 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм.
17.10 Болалар телевидениеси ассоциацияси. «Тўрт сеҳргар бешиги». Минск шаҳри.
17.50 «Матбуот-экспресс».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.00 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради.
19.30 Футбол. Европа чемпионлари кубоги.
20.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. Якунловчи серия.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.20 «Бориб, қайтиб келмасдан...». Телевизион бадиий фильм премьераси («Беларусьфильм»).
22.35 «Қора қути».
23.05 Эфирда мусиқа. Танаффус пайтида (24.00) —Янгиликлар.
01.25 Волейбол. Россия чемпионати. Эркаклар. «Самотлор» — МГТУ.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 «Монстр». Ҳужжатли телесериал (Россия—АҚШ). 5-фильм — «Сталин ва уруш».
9.40 Ишдан бўш пайтингизда.
9.55 «Тилла шпора».
10.25 «Сатирикон» студияси.
11.10 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 104-серия.
12.00 «Пилигрим». Россия сайёҳатлар бюроси.
12.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
12.50 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

15.55 «Бозорни ўрганамиз».
16.25 «Рост» студияси. «Мусиқий синф».
16.55 Янгиликлар.
17.10 Трансросэфир. «Москвадан олисда».
17.55 Эълонлар.

*

18.00—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар.
22.25 «Ватаним менинг».
23.20 «Композиторнинг портрети». Г. Баншчиков.
23.50 «Джаз-филармоник-холл» (Швеция).
00.20 «К-2» таништиради: «Кетсанг кетавер». Бадиий фильм. «Кинограф», «Ню».

Жума, 27. XI

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Севги тароналари». Фильм-концерт.
7.55 «Шошилинч чақирув». Бадиий фильм.
9.30 «Юлдуз» пахта навининг истиқболи».
10.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун фильм. «Кичик йиғиқбоқар».
18.35 «Машинасозлик: муаммо ва изланишлар».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эркин кураш. Ўзбекистон чемпионати.
19.50 Санъат усталарининг концерти.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Мулоҳаза». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Хоразм вилояти театрининг режиссёри Ибодулла Ниёзматов.
22.10 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.40 «Хайрлашув арафасида». Бадиий фильм.
00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
БИШКЕК КЎРСАТАДИ

18.05 «Оҳ, малика». Мультфильм.
18.15 «Байкем, Эжем жана биз».
18.30 «Ата журт» телеканали таништиради: «Тадбиркорни ким қўллаб-қувватлайди!» (рус тилида).
19.00 «Ала-Тоо».
19.20 «Ата-журт» (давоми).
21.00 «Ала-Тоо».
21.20 «Назар» (эълон ва билдирувлар).
21.25 «Ата журт» (давоми). «Меҳр-шафқат — қалб даъвати».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. Якунловчи серия.
9.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
10.25 «Ғалати одам». Капалаклар коллекционери ҳақида телефильм.
10.40 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
11.30 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради. «Леонардо ороллари».
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Лев Гурич Синичкин». Телевизион бадиий фильм.
13.35 «Бизнинг дала ҳовлимиз». Телевизион бадиий фильм.

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Бридж».
15.50 «Бизнес-класс».
16.05 «Ён дафтар».
16.10 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм.
17.00 «Марказ».
17.40 «Шумак манбалари». Телефильм премьераси (Иркутск).
17.50 «Матбуот-экспресс».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.20 «Нормандия — Неман». Ярим асрлик хотира ва дўстлик.
18.50 «Инсон ва қонун».
19.20 «Вагон 03».
19.50 «Мўъжизалар майдони».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.20 «Детективлар клуби»да. «Қадрдон дўст». Телевизион бадиий фильм премьераси. «Линда» телесериалидан (Венгрия).
22.15 «Курессаре қалъаси». Илмий-оммабоп фильм.
«ВИД» таништиради:
22.35 «Сиёсий бюро».
23.05 «Музобоз».
23.45 «Ҳафтанинг машҳур кишиси».
00.35 «Авто-шоу».
00.55 «Хит-конвейер».

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Эълонлар.
8.25 Ишбилармон кишилар даври.
8.55 «Ватаним менинг».
9.50 «Оқ қарға».
11.05 «Ўхшаш дунёлар».
11.50 Мульти-пульти.
12.00 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 105-серия.
12.50 Мульти-пульти.
13.05 «Гап-гаштакларни қўмсаб».
13.35 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

14.55 Телебиржа.
15.25 «Рост» студияси. «Кенгуру».
15.55 Янгиликлар.
16.10 «Минора».
16.25 «М-трест».
16.40 Жума кунлари Уолт Дисней. «Жастининг ишн». Бадиий фильм.
17.55 Эълонлар.

*

18.00—19.50
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.50 Спорт кўрсатуви.
19.55 «Монстр». Ҳужжатли телесериал премьераси (Россия—АҚШ). 6-фильм —«Сўнгги империя».
20.45 Концерт залида. «Қалб хотираси».
21.25 «Бозорни ўрганамиз».
21.55 Эълонлар.
22.00 Хабарлар.

*

22.30—01.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

Шанба, 28. XI

● ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».

*

8.00 «Пан Кляксанинг саргузаштлари». Бадиий фильм. 1-серия.
9.25 Спорт кўрсатувлари: 1. «Шоҳруҳ» клуби. 2. Ўзбекистон спорти.
10.25 «Алифбо сабоқлари».
11.00 «Инсон саломатлиги ва атроф-муҳит».
11.40 Қорақалпоғистон жумҳуриятининг санъат усталари ва ёш ижрочиларининг концерти.
12.25 «Анъана ва замон». Халқ ҳунармандчилиги ҳақида.
13.15 Тижорат канали. «Чўл миришкорлари».
14.05 Азиз Несин. «Ҳажвий новеллалар». 1-қисм.
15.20 «Тинчим билмас деҳқон қўллари».

* * *

18.00 «Нима бўпти» лақабли бегемот ҳақида». Мультфильм.
18.15 Усмирлар учун. «Тенгдошлар».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Дўстларимиз таронаси.
19.55 «Шоирлар — болаларга» Усмон Носир.
20.30 «Туркистон» ахбороти.
21.00 «Марҳабо, талантлар!». Ўзбекистон Республикаси бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг телевизион фестивали. Тошкент вилояти.
22.30 «Ҳамроз». Бадиий фильм. 1-серия (Ҳиндистон).
23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
АШГАБАТ КЎРСАТАДИ

7.00—14.00

* * *

17.00—23.30

● «ОРБИТА IV»

6.40, 15.20, 21.20, 00.35 —Кўрсатувлар тартиби.
6.45 Эрталабки гимнастика.
6.55 Ишбилармон кишининг шанба тонги.
7.55 Янгиликлар.
8.30 «Моторлар оламида».
9.00 «Марафон-15» — кичкинтойларга». «Менинг жажжи тойчоғим». Кўп серияли мультфильм премьераси. 1-серия.
9.25 «Эльдорадо».
9.55 «Шанба кунги дастхат».
10.25 «Иш».
10.35 Инсон институти.
11.05 «Авиакосмик салон».
11.20 «Услуб».
11.50 «Номаълум Осиё. Князь Шарқдан келадими!».
12.20 «Мусиқий дўкон».
12.50 Мусиқий видеофильм премьераси.
13.55 «Снёсат» студияси иқтисодчи М. Фридман иштирокидаги АҚШнинг «Танлаш эркинлиги» кўрсатувини таништиради. 2-кўрсатув.
14.30 «Телеёдномалар». Мусиқий кўрсатув.
15.00 Янгиликлар.
15.25 «Матбуот-экспресс».
15.35 «Камалак жилолари». «Камалак» халқ ижодиёти телекўрсатувлари фестивалининг якунловчи кўрсатуви.
16.35 Европа рус маданияти марказининг очилиши.
16.45 «Қизил квадрат».
17.25 «Дракулмно-вампирча». Кўп серияли мультфильм премьераси.
18.20 «Ижтимоий воқеалар ва муросаи-мадоралар ҳақида». Д. Хармс ҳикояси асосида мультпамфлет.
18.25 «Марианнани қўмсаб». Телефильм премьераси. Вероника Кастронинг Москвада бўлиши ҳақида. (Кинокўрсатувлар ҳамда «Интервидео коммерс» студияларининг биргаликдаги маҳсулоти).
19.15 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Биринчи қонгача». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия).
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Бахтли шаҳзода». Катталар учун мультфильм.
21.40 «Брэйн-ринг».
22.35 «Максима».
23.00 «Европа-плюс».
24.00 Янгиликлар.
00.40 «Лев Гурич Синичкин». Телевизион бадиий фильм.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Ифодалаш санъати. «Нобуани Мураонанинг ойдин йўли».
8.50 «Эскулап».
9.00 «Дилнаш суҳбатлар». 2-кўрсатув.
9.30 «Агар сиз...».
10.00 «Плюс ўн бир» видеоканали.
11.15 Кундузги сеанс. «Табиб»нинг шогирди».
12.40 «Дораэмон». Мультфильм премьераси.

*

12.55—17.30

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДУСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

*

17.30 «Бола тилидан».
18.00 Хабарлар.
18.20 Эълонлар.
18.25 «Маски-шоу».

*

18.55—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар.
22.25 Спорт кўрсатуви.
22.30 Тунги сеанс. «Профессор Доуэль васияти». Бадиий фильм.
00.05 «Овросиё» телевидениеси таништиради: «Котиллин вақти». Бадиий фильм (АҚШ).

Якшанба, 29. XI

● ЎзТВ I

7.00 Турсунбой Парпиев куйлайди.
7.35 «Нукус». Телефильм.

*

8.00 «Туркистон» ахбороти.
8.30 «Пан Кляксанинг саргузаштлари». Бадиий фильм. 2-серия.
9.50 Чим хоккейи бўйича Ўзбекистон кубоги. Аёллар.
10.20 «Экран эйнати». Кинокўрсатув.
12.05 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар».
13.10 «Иқтисодий ҳамкорлик йўлида».
13.40 Болалар учун. «Мўъжизалар масканн».
14.40 Тижорат канали. «Саноатимиз одимлари».
15.10 Азиз Несин. «Ҳажвий новеллалар». 2-қисм.

* * *

18.00 «Катта саёҳат», «Ёртиқулоқ ва ялқовлар». Мультфильмлар.
18.30 Болалар учун. «Табиат алифбоси».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Куй — дил маҳҳами». Мусиқий кўрсатув.
19.55 М. Зошченко. «Тўй». Телеповелла.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «Ҳорманг, бободеҳқонлар!». Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви.
22.00 «Хамроз». Бадиий фильм. 2-серия.
23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
БИШКЕК КЎРСАТАДИ

9.05—12.00 Қирғизистон телевидениесининг болалар студияси намойиш этади. Программада: «Хуш хабарлар»; «Оспурум»; «Тиғиз пайт»; бадиий фильм; мультфильм.

* * *

18.05 «Бремен созандаларига». Мультфильм.
18.25 Телетомошабинлар талабларига биноан концерт.
18.55 Катталар учун мультфильм.
19.00 «Ала-Тоо».
19.20 М. Карим. «Ой тутилган тунда». Қирғизистон Давлат академик драма театрининг спектакли.
21.45 «Канизак Изаура». Кўп серияли бадиий телефильм. 6-серия (рус тилида).

● «ОРБИТА IV»

6.20, 15.15, 18.40, 00.15 — Кўрсатувлар тартиби.
6.25 «Руҳни чиниқтириш».
7.25 «Тилла оқу». Мультфильм.
7.55 Янгиликлар.
8.30 «Спортлото» тиражи.
8.45 Жаҳон халқлари ижоди. «Тибетнинг одамлари ва худолари».
9.15 «Эрта саҳарлаб». «Денвер — динозаврларнинг энг охиргиси». Кўп серияли мультфильм премьераси.
9.45 «Соло».
10.15 «Ҳозирча ҳаммаси жойида». Дам олиш кўрсатуви.
10.45 «Ақлли болалар» ва «Ақлли қизлар» рукнининг премьераси.
11.25 «Пи» белгиси билан.
12.15 «Қора кўркам от саргузаштлари». Болалар учун кўп серияли бадиий телефильм премьераси.
12.40 «Янги авлод танлайди».

«КТВ-I» ҳамда «Франс-интернасионал» каналн таништиради:

13.30 «Пиф ва Геркулес». Кўп серияли мультфильм премьераси.
13.40 «Кусто командасининг сувости одиссеяси». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси.

*

14.30 «Волхонкадаги уй». Кўп серияли телефильм премьераси. 7-фильм.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Саёҳатчилар клуби».
16.00 «Ҳунарли хор бўлмайди».
16.20 «Уолт Дисней таништиради...».
17.10 «Технодром».
17.20 Эфирда бевосита мулоқот.
18.00 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.
18.45 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
19.00 «Актёрлар, актёрлар, актёрлар...». Якшанба киноқўрсатувлари
20.00 Киношарҳ.
20.25 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Карнавал воқеаси». Бадиий фильм (АҚШ 1954 й.).

*

22.00 «Якунлар».
22.45 «Телелоция».
23.00 «Эндиликда». Диний кўрсатув.
24.00 Янгиликлар.
00.20 «Тонг юлдузи» тунги эфирда.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 «Спорт олами «Жиллетт» фирмаси нигоҳи билан».
8.50 «Шажара». Ҳужжатли фильм премьераси.
9.40 Фольклор. «Номаълум маданиятлар».
10.10 «Олти сотих».
10.30 «Кироллиқдаги саргузашт». Қўғирчоқ мультфильм. 14-серия.

*

11.00—14.55
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДУСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

*

14.55 «Рост» студияси. «Гуф фи-Геймз».
15.45 «Познер ва Донахью».
16.15 Стас Намин (Эс-Эн-Си) марказн таништиради: «Сариқ сувости кемаси» клуби.

*

16.50—20.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.20 Спорт кўрсатуви.
20.25 Голливуд классик фильмлари фестивали.
22.00 Хабарлар.
22.25 Эълонлар.
22.30 «Ҳар бир нун байрам».
22.40 «Монстр». Кўп серияли ҳужжатли телесериал премьераси (Россия—АҚШ). 7-фильм — «Иосиф Сталиннинг шахсий ҳаёти».
23.35 Парламент хабарномаси.
23.50 Рақс марафони. Бал рақслари бўйича жаҳон чемпионати.

«Тошкентдан ганграмма ва кўрсатамиз» ҳафтаномасининг 20 ноябрь сонидан олинди.

Тошкент ҳақиқати
МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.
БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32.
Телефонлар:
ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БЎЛИМИ — 33-40-48.
АХБОРОТ, ТИЖОРАТ ВА ЭЪЛОНЛАР БЎЛИМИ — 33-99-15.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32-уй. Газета офсет усулида А—2 форматида босилди. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.

Нашр кўрсаткичи: Г-457. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 20.00 31730 нусха босилди.